

بَلْ تَالْعَاجِزُونَ

Calomma  
Genghis


Сүфи Омбоеп

Сўфи Оллоёр

# Саботул ожизин

*Манзума*

35757



ТОШКЕНТ  
«ЧЎЛПОН»  
1991

*Мұхаррір Аззам Іүкта м*

Нашрға тайёрловчы Рашид ЗОХИД

*Нұғын Тошқандий ва Наим Норқұлов күзатуви остида*

Сұғи Оллоёр ўзбекларнинг утарчи уруғидан бўлиб, Каттакүргонда туғилган. Ўз юрти-  
даги вазият оғирлашгач, Деҳнав (Сурхондарё вилояти, Денов ноҳияси) га кучиб кетиб, ўша ерда  
дарнешона ҳаёт кечириб, илм билан машгул бўлган.

«Саботул ожизин» («Ожизлар саботи») китоби XIX асрда, XX аср бошларида Тошкент,  
Боку, Когон, Қозонда кўп мартараб напр этилган.

0 4803620102—33  
360(04)—91      Доп.—91

ISBN 5—8250—0292—8

© Сұғи Оллоёр, 1991 й.

## БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Сано лил ҳолиқи ғаброу афлок  
Яратди қатраидин гавҳари пок.

Самовот уйини тутди муаллақ  
Жаҳона ҳукмини кўрсатди мутлақ.

Қилиб ғабро мадорин зиммаи хут  
Бани одамга андин қисм этар қут.

Падид этди жаҳон ичра фавосил  
Қилур ҳар фасл турлук нашъя ҳосил.

Ажаб сунъу ажаб аҳкоми тақдир  
Қилур бир қурсдин олам кўзин сир.

Ирода қилса ул ҳаййу тавоно  
Қилур бир лаҳзада билмасни доно.

Софий туфроғин этгач жон ила жисм  
Нечукким айлади донои ҳар исм.

Халос этса бировни раббул афлок  
Қолур тоғ остида андин чиқур пок.

Нечукким тутди тӯфон дашту тоги  
Ва лекин бўлмади ҳўл Нуҳ аёғи.

Халилуллоҳ учун ёндирилар нор  
Қадам қўймай ўшал ўт бўлди гулзор.

Ғазаб ел одиларни қилди нобуд  
Эди ул ел насим тобеъи Худ.

Балиг қорнида бир соҳиб каромат  
Чилла ўлтурди-ю чиқти саломат.

Агар амр этса кимни фориқул фарқ  
Келур бир лаҳзада гарб устидан шарқ.

Нечукким дўстини султони кавнайн  
Етурди соатида қоби қавсайн.

Агар ҳар кимга берса иззу имдод  
Келур хизматига жин, одамизод.

Сулаймонким игурди инс-у жиндин  
Ани фармони әрди бир нигиндин.

Ғараз қудрат намолиғ айлади фош  
Вагарна қадри әрди бир дирам тош.

Қалим илгидаги қутлуғ асойи  
Гаҳи кўпрук әди, гаҳ аждаҳойи.

Агар амр айласа кавнайн бир пой  
Бўлур бир пистани пўчогина жой.

Дедилар ҳазрати Руҳул-Аминни  
Қанот ёзса тутар рўйи заминни.

Анингдек Жаброил сидра парвоз  
Мұхаммад енгига айтур әди роз.

Агар қилса биравни ҳақлиғин фош  
Шаҳодат бергуси гаҳворада ёш.

Азиз этса қаю қулни ўшал шоҳ  
Агар чоҳ остиға тушса топар жоҳ.

Сулаймон хизматида қилди парвоз  
Ҳисобин билмаган шоҳину шаҳбоз.

Ғараз қудрат намолиғ әрди, эй дўст,  
Вагарна әрди бир қад чўби бепўст.

Вале бир муштипар ҳудхуд эди пайк  
Деди султонига «орийу лаббайк».

Мадад қилса худойи оламорой,  
Ҳабиб этса ишорат айрилур ой.

Кишининг рўзисин гар қилмаса кам  
Етар ҳар ерда меҳнат қилмаса ҳам.

Калимин чеҳрасин қилмас учун зард  
Чиқорди лаҳзада Нил остидин гард.

Нечукким ҳазрати Солих учун фош  
Болалиғ тева туғди ҳукмидин тош.

Юборди Маряма рўзи малакдин  
Масиҳо моида тушти фалақдин.

Азалда ҳар кишини айласа саъд  
Халил ўғлидек этса содиқул-ваъд.

Агар забҳ этсалар қайтармағай қош  
Қўрунмас бош ани олдида бир мош.

Кима берса жаҳолат ҳамридин жом  
Биҳишт олдиға келса босмагай гом.

Етар раҳмат суви кўк кавкабина  
Етушмас қатраи гумроҳ лабина.

Қўрунг бу Толиб ила Бу Лаҳабни  
Улуг дарё лабида хушк лабни.

Агарчи ўт била сувда бўлур фарқ  
Чиқорди сув маконидин нечук барқ.

Агар чандики шамъ ўтдин бўлур жамъ  
Қаро сувдин қилур кўз нуридек шамъ.

Қаю бир қудратин қилмоқ керак ёд  
Эрур қосир уқули одамизод.

## ДАР БАЕНИ НАЪТИ РОСУЛУЛЛОХ

Дуруди беадад, ҳодийи динга  
Росули раҳмати лил-оламинға.

Худони дўсти мухторул қурайши  
Мудом уммат учун талх эрди айни.

Эмас мавжуд анингдек гавҳари пок  
Далил улдурики, келди тожи-лавлок.

Ўшал шоҳаншоҳиким шамъдиндур  
Анинг парвонаси Руҳул-Аминдур.

Деди Маъбуд анинг отин Муҳаммад  
Мақоматига ҳаргиз етмади ҳад.

Тушурмай ер юзига соясини  
Етурди Арш уйига поясини.

Қадам босқон манзил эди пур атр  
Саҳобул байз эрди бошида чатр.

Жамолу неъмату матлуби кавнайн  
Камолидин муяссар қоби қавсайн.

Шарофат мундин ўтмас суннату фарз  
Юруса то хуружи добатул арз.

Ҳама диндин бўлубдур дини боло  
Гувоҳи ҳазрати вожиб Таоло.

Анинг авсофини йўқ интиҳоси  
Нағу етмас деса васфин худоси.

Худонинг раҳмати бўлсун дамо-дам  
Анинг авлодига, асхобига ҳам.

## ДАР БАӘНИ САБАВИ ТАЪЛИФ

Езилди форси тил бирла мактуб  
Ақидати, фуруғи қурби маҳбуб.

Аниким кўрдилар турки ёронлар  
Дедилар гар дуо қиласа эранлар.

Битилса турки тил бирла ақида  
Кўнгиллар бўлса андин орамида.

Тамаллуқ қилдилар чун бир неча ёр  
Қалам тортай худо бўлсин мададкор.

Ва лекин айлайин сўзларни ижмол  
Манга йўқтур муфассал қилғали ҳол.

Мане бечора чунки омидурман  
Гирифтори маломат домидурман.

Эурман бандаларни сарнигуни  
Тавалло ёр-биродарлар забуни.

Агар чандики бўлсам мағзи йўқ пўст  
Ишорат қилдилар чун бир неча дўст.

Ақида сўзларини қилдим исбот  
Анга қўйдум «Саботул ожизин» от.

Ўзумдек хасталар бўлғайму деб шод  
Насойиҳдан ҳам андак айладим ёд.

Насихат тингламас дил сахти маҳжуб  
Кўкармас тоша ёмғур ёғса ҳам кўп.

## ДАР БАЕНИ МАЪРИФАТИ АЛЛОХИ ТАОЛО

Недур қуллуқ ани муштоқи бўлмоқ  
Ўзидин фони ҳақға боқи бўлмоқ.

Тонимоқ Тангрини тонмоқ ҳаводин  
Кейин турмоқ фаоли нораводин.

Бўйинсунмоқ әгилмоқ қул демишда,  
Қазоға рози бўлмоқ барча ишда.

Умид этмак ўшал қудратли шоҳдин  
Енардин хавф этиб янмоқ гуноҳдин.

Яқин билмак жамоат эътиқодин  
Кейин солмоқ мухолиф ижтиҳодин.

Ақида билмаган шайтони элдур  
Агар минг йил амал деб қилса елдур.

Үёлма маърифатни ўрганурдин  
Танур жойинг бўлур қолсанг танурдин.

Уёлмасдур талаб амрини олғон  
Қолур яхши уй олғандин уёлгон.

## ДАР БАЕНИ ТАВҲИД ВОЖИБ ТАОЛО

Худовандики бирдур бешаку райб  
Раво йўқтур анга ўртоқ ила айб.

Анинг фармонидин ҳеч ким қутулмас  
Тавонодур ҳамиша ўзга бўлмас.

Эрур ул барча оламнинг худоси  
Анинг йўқ ибтидоси, интиҳоси.

Эрур ҳозир ҳамиша йўқ макони  
Анга қилғон эмас сабқат замони.

Ўзи бешубҳадур ҳам бенамуна  
Раво эрмас анга чуну чакуна.

Кўнгилда кечса кўзга тушса ҳар шай  
Эрур андин муназзаҳ Холики Ҳай.

Удур ҳоким ки ҳукмин ўзга этмас  
Анинг зотига ҳеч ким ақли етмас.

Фаришталар, набилар етмадилар  
Бўйинсундилару фикр этмадилар.

Вале фикр эт худонинг қудратига  
Ажойиб ишларига, санъатига.

## ДАР БАЁНИ СИФОТИ ВОЖИБИ ТАОЛО

Субутидур анинг саккиз сифоти,  
Сифат зоти эмас на гайри зоти.

Ҳаёту илму қудрат ҳам басар, самъ  
Ироду калом таквиндур эй шамъ.

Ҳаёт улким, тириқдур ўзга бўлмас  
Ўлар ҳар зи нафс ҳаргиз ул ўлмас.

Ўзини зотидин ҳайдур ўшал шаҳ  
Ва лекин жисм ила жондин муназзаҳ.

Керакмасдур худоға ҳеч қаю шай  
Ғанидур барча оламдин ўшал ҳай.

Эмас муҳтоҷ ҳеч ишга Ҳақ Таоло  
Юбормағил кўнгилни шайби боло.

Агар мунда юборурсан кўнгилни  
Солур шайтон кўнгилга ўзга йўлни.

Сифотининг биридур илм ёро  
Эрур донойи ғайбу ошкоро.

Халойиқдин кичикдур ё улуғдур  
Бўлубдур ҳар на иш ё бўлғулиқдур.

Турушдур ё юрушдур хайру шардин  
На ким тегса анга нафъу заардин.

Кўнгилга тушса қайси ҳоли пеша  
Эмас пўшида илмидин ҳамиша.

Билур ҳар кимда бўлса маърифатдин  
Бири қудрат эрур саккиз сифатдин.

Нафслик ё нафссиз буд-нобуд  
Неким икки жаҳонда бўлса мавжуд.

Заардур, нафъдур ё хайр, шардур  
Яқин билгил қазо бирла қадардур.

Халойиқнинг жамиъи феълу қавли  
Эмас бир зарраи бетақдир мавли.

Ирода айлагач Халлоқи Олам  
Ҳар ишни «бўл» деди, бўлди ўшал дам.

На этса эрки бору қудрати бор  
Қўли бирла яратди дема зинҳор.

Тилингни сақла мундоғ қавлу баддин  
Худовандим мунаzzaҳдур жасаддин.

Калом ҳақда ким ёд айлади ёд  
Анинг бир васфидур эй одамизод.

Аимма билди Қуръон маънисин туз  
Кўнгилни қўймагил сан ҳар қаю юз.

Басар ҳам самъ анинг васфи била шак  
Басар маъниси кўрмак, самиъ эшитмак.

Неким мавжуд әрур дунёу дунда  
Фалакдин юқори зеру заминда.

Әшитмак күрмаги бешубұчау райб  
Әрур бирдек ҳамиша зоқиру гайб.

Қулоқ, күз бандаға ҳожат әрур бас  
Худо ҳеч қайсияннинг муҳтожи әрмас.

Тирилсанг охиратда эй харидор  
Худойим күрсатур дүстларға дийдор.

Вале күрмакни бечуну чунон бил  
Жиҳатсиз, мислсиз бил, bemакон бил.

Үшал ким билдирур бешаклигини  
Билур ул яхши күрсатмаклигини.

Билур ҳар одамени бўлса эси  
Қалом эрмиш сифотини бириси.

Қалом ҳодис әрмасдур қадим бил  
Ани айғон сўзи бекому бетил.

Халойик сўзлай олмас кому тилсиз  
Худо муҳтож әмас ҳеч ишга ҳаргиз.

Битилса ё ўқилса, олса эл ёд  
Булар одат әрур, эй одамизод.

Худойимни каломин яхши бил боз  
Сўзини зотида йўқ ҳарфу овоз.

На ким маҳлуқида бор әрса эй шах  
Худовандим әрур андин муназзах.

Сифотининг бирисидур ирода  
Муни билган киши етгай мурода.

Қадалса бир тикан ё тушса бир қил  
Иродасиз әмас ҳеч иш яқин бил.

Агар мўре қўяр ер устиға по  
Вагар бир заррача қум бўлса бежо.

Булардин ё кициқдур, ё зиёда  
Эмасдур ҳеч нимарса беирода.

Сифотининг бирин таквин демишлар  
Худодин халқа рўзи барча ишлар.

Яратди ким нечук сизни ва бизни  
Тақи халқ этди бизни феълимиизни.

Агар чандики қўймас эркимизга  
Беридур ихтиёри жузъи бизга.

Муносиб иш эрур ё номуносиб,  
Ани қилмоқға банда бўлди косиб.

Ўшанча ихтиёри жузъидин боз,  
Топар банда жазо кўп қиласа ё оз...

Наким ризқики бўлса шайбу боло  
Яратидур ани Вожиб Таоло.

Ҳаромидин vale манъ этди бизни  
Беридур ихтиёри жузъимизни.

Худо рози эмас исёнимизға,  
Ризосидур анинг эҳсонимизға.

Киши рози деса исён қилурға  
Аимма ҳукмидур кофир бўлурға.

Худо зулм этмади ҳеч бандаларға,  
Вале туз йўлни кўрсатди аларға.

Ўшал халқики туз йўлдан озарлар,  
Алар ўз жонларига зулм этарлар.

Азоб этса бу олам ё у олам  
Эрур бул адл, эй фарзанди одам.

Нафссиз халқ әрур ё зи нафсдур  
Анинг ўз мулкидур ҳеч зулм әмасдур.

Агар афв айласа ўз фазлидур ул  
Будур сидқингу ихлосинг будур йўл.

Етар биз омиларга мунча билсақ,  
Тутуб маҳкам бўйинсунсак, эгилсақ.

Улуг Йўлни қўйиб ўлгунча, эй ёр  
Қадам қўйма тояр ерларға зинҳор.

### ИЙМОННИНГ БАЁНИ

Худодин ҳар на келса рост билғил  
Тилинг бирла яна иқрор қилғил.

Мусулмонлиғ йўлида булдир иймон  
Муни билмас киши Тонгла пушаймон.

Яқин билғилки иймон бўлмағай кам,  
Эрур бирдек зиёда бўлмағай ҳам.

Бу сўздур аҳли суннатни тариқи,  
Жадал этди бу сўзда ҳар фориқи.

Бўлур аммо амал зойиду нуқсон  
Топар яхши амалдин ажр инсон.

Амал айланг ва лекин аймогайсиз  
Амалдин дохили жаннат бўлурмиз.

Ани амрин дилу жонинг била ол  
Амал қил ҳам ўзини фазлина сол.

Насиб этса биҳишт ўз фазлидур бил  
Амалга иттико қилмай амал қил.

Ғараз улким амалга бўлма мағрур,  
Амал қилғил амалга банда маъмур.

Амал қилмоқдин аҳли истифода  
Дедилар нури иймондур зиёда.

Вагарна бўлмас иймон зойиду кам  
Ақида булдур эй фарзанди одам.

Амални нафъи ҳам иймон биландур  
Қачон ёлғуз амал қилғон биландур.

Наъаувзу биллаҳ иймонсиз кишини  
Қабул этмас худойим ҳеч ишини.

Агарчи яхшилар аъмолин этса,  
Тасаддуқ ер юзини молин этса.

Риёзат бирла бўлса эртаю кеч  
Ўшал ким сидқи йўқтур қилгани ҳеч.

Бўлур дўзах ани охир макони  
Қутулмас ҳаргиз ани жисму жони.

Агар иймон насиб этса кишига  
Берур ажр ани хуб қилмишига.

Агар чанди кабоир қилса беҳад  
Тамуғда қолмас имонлиғ муаббад.

Илоҳи, осимиз, бечорадурмиз,  
Ҳавойи нафс ила оворадурмиз.

Қўнокмиз бир кеча дунёи ҳечча  
На ишлар кечадур биздин бу кеча..

Бу тунда тут бутун иймонимизни  
Сабоҳ, қутқор бу тундин жонимизни.

Кўнгил сандуқина бир бебадалдур  
Ўзинг рост айлагил ё Кошифуз-зур.

Агар бўлсанг мани ҳолимга ҳомий  
Тўзар кулдек адувларни тамоми.

Агар сен сақласанг раҳмат йўлидин  
Адув қул келса на келгай қўлидин.

Яна иймонда айди ахли таҳқиқ  
Худодиндур ҳидоят бирла тавфик.

Худонинг феъли ул махлук эмасдур  
Киши ҳаргиз ани махлук демасдур.

Дедилар маърифат бирла иқрор  
Ўшалким бандасини феълида бор.

Нечукким бандани халқ әтди мавли  
Тақи махлук эрур феъли ва қавли.

Эрур бир маънида иймону ислом  
Буни билса керак ҳар хосу ҳар ом.

Аимма қавлини берк ушла зинҳор  
Жадални нафъи йўқ бўлса на даркор.

## ФАРИШТАЛАРНИНГ БАЕНИ

Малоикким эрурлар олами ғайб  
Ҳама Ҳақ бандасидур бешаку райб.

Алар фориг эрур ичмак-емакдин  
Ёмон қилмоқ, қабоҳат сўз демакдин.

Нисо эрмас аларнинг васфи, эр ҳам,  
Било шаҳват яратди Шоҳи Олам.

Алар барча худонинг тоатида  
Эмас ғофил алар ҳеч соатида.

Агарчи барчаси тоат саришта  
Муқарраб баъзидин баъзи фаришта.

Мусулмонлар ўқур Қуръон ҳоло  
Эрур барча каломи Ҳақ Таоло.

Таки пайғамбаримиздин бурун бил  
Худовандим кутуби қилди нозил.

Юборди ҳар қаю пайғамбариға  
Ки иймон келтирибдурмиз барига.

Бариси Ҳақ Таолонинг каломи  
Муни билса керак ҳар хосу оми.

Каломи васфидур эй одамизод  
Қилиб эрдим сифоти бобида ёд.

## ДАР БАЁНИ ИЙМОНИ ПАЙҒАМБАРОН

Саноу ҳамд қудратлиғ худоға  
Ки иймон келтирубмиз анбиёға.

Аларнинг аввали ким Одам эрди,  
Мұхаммад барчасига хотам эрди.

Бариси Тангрини суйган қулидир  
Бариси жаннату ризвон гулидир.

Худони ҳукмини ҳар феълу сўзга,  
Набилар қилмади бир зарра ўзга.

Етушмас ҳеч валилар жолариға,  
Етушмас балки хоки полариға.

Алардур зурриёди Одами хок  
Гунаҳдин анбиёни барчаси пок.

Алардин баъзи ишга қилдилар нақл  
Қилур таъвилини Нўъмони боақл.

Алар қасд ила ҳаргиз қилмадилар  
Буюрғон амридин айрилмадилар.

Бари дарёйи раҳматда эди ғарқ  
Росул ила набида бўлди бир фарқ.

Бариси Тангридин тобти хитоб ул  
Набиға шарт эмас аммо китоб ул.

Росулиға әрур шарт, әй неку ҳол  
Вале бўлди бариға ваҳий илҳом.

Набидур ҳар росул англағувчи бўл  
Ва лекин ҳар нabi әрмас росул ул.

Дедилар пораи мўъмин боласи  
Эрур бир маънида ҳар иккаласи.

Салафким айлади лутфу иноят  
Эрур аввалгиси машҳур ривоят.

Башар пайғамбарин Султони Аъдол  
Малак пайғамбаридин қилди афзal.

Бу сўздин мазҳаби суннат жамоат  
Алар ҳар на деди, қилғил итоат.

Дедилар оамаи фарзанди одам  
Малакни оамасидин фазли кўп ҳам.


Китоби «Қофи» ким бир босафодур,  
Деди оами бу ерда атқиёдур.

Башар довар на чандон беамалдур  
Баҳойимдек әрур бил ҳам азалдур.

Паямбарнинг бари одил ва аъдал  
Ва лекин баъзисидин баъзи афзal.

Савоби рутбада афзal әрур ҳол  
Мусовидур нубувват бирла ирсол.

Барининг беҳтарини Мустафодур  
Ҳабиби Ҳақ нигини анбиёдур.



## ДАР БАӘНИ ТАСДИҚИ МЕЪРОЖ

Мұхаммадким әрур афзалу асдақ  
Әрур бешак шаби меърожи барҳақ.

Ҳаромдин масжиди Ақсоға ногоҳ  
Олиб борғанидур оятда огоҳ.

Ҳам Ақсодин самоға борди ул нур  
Бу сүзнинг сидқига ахбори машҳур.

Самодин юқори ҳар қайси жоға  
Иноят айлади ул бо сахоға.

Барифа сидқимиз, иқроримиз бор  
Эмас ҳеч қайси иш Тенгриға душвор.

Мақоми сидрау нажми малакни  
Биҳишт Арш Курсиу на фалакни.

Агар бир кечада күрсатса не кам  
Вагар бир дамда күрсатса не шак ҳам.

Нечук ким айласа қодир худодир  
Чора учун демак қулдин хатодур.

Яқин билгил ани меъроҗин эй ёр  
Тани бирла әди ҳам әрди бедор.

Ҳабибин ҳар нечук қылса сарафроз,  
Худони раҳмати кўпдур, эмас оз.

## ДАР БАӘНИ АЛҚОБИ ЧАҲОРЁР

Саҳобадур банидур барчаси ҳақ  
Ёмон йўлда эмас ҳеч қайси мутлак.

Әрур ҳар қайсиси нажми ҳидоят  
Худо ҳалқ ўғлиға қилғон иноят.

Биҳиштидур алардин қатъий ўн ёр  
Башорат берди ул султони аброр.

Абу Бакр, Умардур сўнгра Усмон  
Алидур, Толҳадур ҳам Абдураҳмон,

Зубайр, Бу Убайда бўлди ахбор,  
Саъиду Саъддур айғон бу ўн ёр.

Муҳаммад ким эди ҳодийи олам  
Башорат берди уч фарзандига ҳам.

Бириси Фотимадур ҳам Хотира,  
Ҳасан бирла Ҳусайн икки набира.

Набилар сўнгидин билгил ба таҳқик  
Ки инсон афзали Бу Бакр Сиддик.

Ки андин сўнг Умардур сўнгра Усмон,  
Ки андин сўнг Али бешубҳа эй жон.

Эрур бу тўрти умматнинг нигини  
Шафоатҳоҳимизни жонишини.

Расул аиди ўгурсам дунёдин юз  
Хилофат бўлғай ўттуз йилғача туз.

Ул ўттуз йилда шоҳ эрди у тўрт эр,  
Алар вақтида бўстон эрди ҳар ер.

Алардин сўнгра ҳеч олимни одил  
Қила олмас алардек адлу комил.

Ўшал тўрт эрни Аҳмад ёри эрди  
Биҳишти маърифат гулзори эрди.

Росулуллоҳ тариқин эртаю кеч.  
Сари мўйи тахаллуф қилмади ҳеч.

Нечук бўлсун хилоф ул чори саъда  
Паямбар қилди ўттуз йилга вазда.

Аларни васфини ҳеч сони йўқтур  
Тамом этай десам имкони йўқтур.

Сахобанинг бари ҳам пок диндур  
Бариси раҳнамои роҳи диндур.

Киши бўлса набининг сухбатида  
Гумон йўқтур аларнинг қурбатида.

Алардин сўнгра ҳеч ким жолариға  
Етушмас балки хок полариға.

Саҳоба баъзиси ким Муртазоға  
Тахаллуф айлади ул босафоға.

Савоб эрди ул эрларни муроди  
Хато бўлди баногоҳ ижтиҳоди.

Хато бўлғон билан ёзди демасмиз  
Жамоат аҳлидин озди демасмиз.

Айимма аҳли суннат ким әдилар  
Хатои мұжтаҳид мавғу дедилар.

Хатоға балки тобтилар савоби  
Бу сўздур аҳли суннатнинг жавоби.

Битибдур «Мажма ул-ашё» да эй шамъ  
Хатодин балки қайтиб эрди ул жамъ.

## ШАРТИ ИМОМАТНИ БАЁНИ

Имомат шарт бўлди ҳар диёра  
Ҳудуди шаръи то турғой қарора.

Юрутгайлар шариатни қиёмин  
Тақи қилғай ёмонлар ихтимомин.

Агар чандики султон бўлса фосик  
Буюрса иш шариатга мувофиқ.

Қилурмиз жону дил бирла итоат  
Үзи бўлса агарчи беканоат.

Эмасдур шарт имом ул бўлса маъсум  
Қилибдур шарт аммо шийай шум.

Мусулмон оқили болиғ, эй инсон,  
Имомат шарти бул дур, эй мусулмон.

Раводур иқтидо фожирга қилсанг,  
Ҳадиси Мустафодур яхши билсанг.

Ўқусанг яхшиларнинг кейнида лек,  
Савоби беададтур хислати нек.

Билурмиз барча масҳи музани ҳак,  
Нечукким билди таъйин шоҳи асадақ.

## ДАР БАЕНИ КАРОМАТИ АВЛИЕ

Эрур барҳақ каромат авлиёдин,  
Иноятдур валиларга худодин.

Каромат хориқи одат эрур исм,  
Бўлубдур хориқи одат неча қисм.

Набидин хориқи одат не таъйин,  
Дедилар мўъжиза, эй толиби дин.

Нубувватдин бурунни дерлар ирҳас,  
Муни билсанг керакдур: «Аййуҳаннас!»

Агар солиҳ кишидин бўлса ҳар гоҳ  
Каромат деб бўлур бешаку ишбоҳ.

Кўрунса бир авом мўъмин кишидин,  
Маунатдур ўшал айғон кишидин.

Агар кўрсатса мундоғ кофир инсон,  
Ул истидрож эрур монанди шайтон.

Вале ул орифи биллаң бўлса,  
Емон ишдин қўли кўтоҳ бўлса.

Авомирни ҳамиша қилса ул қул,  
Тақи қилма деганин қилмаса ул.

Яратғон Тангрини қўрқинчидин низ  
Қаю шубҳа дегандин қилса парҳиз.

Тақи лаззат билан шаҳватга, эй ёр,  
Фуру ҳам кетмаса ул яхши кирдор.

Бу таърифлар кишига бўлса содик,  
Валидур ул ақоидга мувофик.

Шариатсиз киши учса ҳавоға,  
Кўнгил берма анингдек худнамоға.

Шариатсиз киши гар ютса ўтни,  
Ҳаво ўртасида минса булатни,

Қачон тобқан бўлур қурбат, ойдини  
Вали билманг тақи андоғ қадини.

Бўлубдур мундог ишлар кофирийдин  
Нечукким бўлди сиҳр Сомаридин.

Эшигил балки Фиръавн амридин Нил,  
Қуйидин юқорига оқти бекил.

Муни билгилки Ҳиндустонда ҳоло,  
Учарлар кофири саноси боло.

Шариат ҳукмин этмай истиқомат,  
Таажжуб ишлари бўлмас каромат.

Шариатни кишиким тутса хуб пос,  
Каромат мундин ўтмас, аййуҳаннос.

Хилофи нафс истакмал тоат,  
Бўлурму андин ортуқ хирқи одат.

Киши деса валини ғайбдантур,  
Наъувзубиллаҳ, ул сўз кўп ёмондур.

Наби ҳам билмагай ушбу равишдин,  
Магар билдурса Тангрим баъзи ишдин.

Худонинг хоссасидур илми ғайби,  
Бу сўзни бўлмагай бир зарра райби.

Яқин бил ғайб ишдин фолбинлар,  
Хабар берса агар ё аҳли жинлар.

Киши чин деса ул ботил сўзини,  
Бўлуб кофир, қаро қилгай юзини.

Наъувзу биллаҳ, андоғ муътақаддин,  
Худойим сақлағай бу ройи баддин.

Яқин билгилки баъзи номусулмон,  
Демиш: «вақтики қурбат тобса инсон.

Кўтарур Ҳақ шариат ҳукмин андин»,  
Бўлур юзи қаро мундоғ дегандин.

Бу ботил сўз эрур қавли мулоҳид,  
Шариатга эрур ул фирмә жоҳид.

Шариатга кишиким бўлса мункир,  
Гумон йўқтур, бўлур албатта кофир.

Киши бўлмас муқарраб анбиёдин,  
Алар безор эрур ажаб риёдин.

Кўтарилимади ўлгунча алардин  
Худо ҳаргиз кўтармас ўзгалардин.

## Х И К О Я Т

Мұхаммадким мұҳабbat кони әрди,  
Ҳабиби Ҳақ, росул султони әрди.

Кетар вақтида андоғ бўлди ҳоли  
Вузу айларга йўқ әрди маҳоли.

Эшитди чун азони бобашорат  
Деди: «Е Ойиша, қилдур таҳорат».

Таҳоратдин сўнг ул шоҳ улулул-азм,  
Жамоатга борурга айлади азм.

Қадам босмай туриб кетди ўзидин  
Ғарқ селоб эди гулдек юзидин.

Ўзига келди боз этди таҳорат  
Яна қўптики, то топқай жамоат.

Қадам босмай туриб ул соҳиби роз  
Ўзидин кетди дармон йўқидин боз.

Анингдек Мустафо қўрқинчидин ул  
Вузу қилди ўзидин кетди уч йўл.

Нафас чиқғунча то қуттуғ танидин,  
Хилоф этмади бир қил айғонидин.

Суюклик бандаси то бўлса маҳрам,  
Бўлур қўрқинчи ортуқ, ишрати кам.

Агарчи анбиё бешак амондур  
Муборак диллари хавф ила қондур.

Вале уммат агар ғовси замондур  
Эсон кетмоғи охирда гумондур.

Агар олам ёруса сан сабабдин  
Қуёшдек титра доим хавфи Рабдин.

Керак олий карамни хавфи кўпроғ  
Бийик ердин йиқилғон қолмағай соғ.

Улуг тутмас кичикдек мазҳабин кенг  
Тева тоймоғи эрмас қўй била тенг.

Таваҳҳумлик бўлур афъоли хубнинг  
Сафарда хавфи кўпроғ моли кўпнинг.

Таваҳҳумдин йироқ гафлатли бандада  
Кетар ғусса билан ғам ухлаганда.

Ажал албатта бирдур ўзга бўлмас  
Ўлар ҳар зи нафс ҳаргиз ул ўлмас.

Қаю қулга ажалнинг вақти етса  
Қутулмас ҳар нечаким ҳийла этса.

Кейин қолмас ажал, эй ибни Одам,  
Етушса соати то илгари ҳам.

Кишини илгида ҳам ўлса ҳар жон  
Ажал бирла ўлубдур бўйла инсон.

Қаю боис билан ҳар жон ўлубдур  
Ажалдиндур қазо андоғ бўлубдур.

## АЗОБИ ҚАБРНИНГ БАЁНИ

Азоби қабр коғирларгадур чин  
Кўрар гўрни азобин баъзи мўъмин.

Битик кўп нусхайи машҳур ичинда  
Келур икки фаришта гўр ичинда.

Сўрар кимдур худо бирла росулинг  
Надур дерлар яна дининг ва йўлинг.

Агар кирса фиришталар ғазабдин  
Чиқар ўт бурни ҳам оғзу лабдин.

Агар ҳайбат била қилса назора  
Бўлур ғамгин кўнгиллар пора-пора.

Дегай эй одами булдур сенга жой  
Жавобин бермасангвой устигавой.

Урарлар гурзи бирлан ул икки ёр  
Эшитур инсу жиндин ўзга жондор.

Аларнинг зарбиға тоб этмагай тоғ  
Нечук тоқат қилур бир мушт туфроғ.

Тўлар дўзах соридин қабр ичи дуд  
Пушаймон анда ҳаргиз қилмағай суд.

Иноят айласа донайи асрор  
Кираг гўрга мулоим ул ики ёр.

Дегайлар кирсалар хавф этма мандин  
Сўрарлар меҳрибонлиғ бирла андин.

Агар берсанг жавоби бо савобе  
Очар жаннатдин ул манзилга бобе.

Қоронғу гўр бўлур андог фараҳнок  
Жаҳонни шавқи ёдингдин чиқар пок.

Кўнгилда ғусса қолмас бир чигитдек  
Етурсан янги уйланган йигитдек.

Ки мундин сўнгра неъматларини  
Худодин ўзга ким билгай барини.

## ДАР БАЕНИ МУНОЖОТ

Илоҳи, бандаман бечорадурман  
Ҳавойи нафс ила оворадурман.

Эрурман барча нуқсонимға иқрор  
Мусулмон ўғли қилмас ишларим бор.

Эрурман бандаларнинг сарнигуни  
Тўла ёру биродарлар забуни.

Манингдек осий бўлгайму жаҳонда  
Гуноҳим зоҳиримдин кўп ниҳонда.

Нетай чун айни ақлим безиёдур  
Амал ҳам йўқ, агар қилсанм риёдур.

Агарчи ман ёмон қул пой то фарқ,  
Бўлубман маъсият дарёсига фарқ.

Вале содик эрурман бирлигингга  
Таянибман сани ғофиригинингга.

Лаҳадга кирса бу ёлғуз ғариб бош  
Ўгурса юз ҳама қавму қариндош.

Таҳаййур бўлса жон ғами саришта  
Етушса сўргали ики фаришта.

Сан осон этмасанг андоғ саволи  
Нечук кечгай ғариб бандангни ҳоли.

Деса «Ман роббука» ики абдударгох,  
Тилимға жори қилғил «Раббим Аллоҳ».

Агарчи осидур ё Раб бу банда  
Ўзинг бандам дегил Раббим деганда.

Агар сан қилмасанг қуллуқ отим худ  
Мани қулман деганимдан нечук суд.

Илоҳи, лутф қил мунда ва онда  
Мани банда этиб, банди эт мунда.

Агар чандики гўрсиз ўлса инсон  
Сўралур албатта бешаку нуқсон.

Агар дарёда ўлсун ё осилсун  
Ғазаб этса бани одам на билсун.

Дарранда одам ўғлин қилса хўрок  
Гумон йўқтур сўрар қорнида эй пок.

Агар банда муаззиб бўлса анда  
Қолур тўймай бу ишдин ул дарранда.

Нечук қилса эрур қодир ва носир  
Бу ерда бандасининг ақли қосир.

На ким аиди худойинг ё паямбар  
Ани маҳкам тутиб айрилма дигар.

### ҚИЁМАТ ҲАҚ ТУРУР

Қиёмат ҳақ эрур эй одамизод  
Худо Қуръон ичинда қилди кўп ёд.

Бўлур қудрат билан туфроғимиз тан  
Кирап жон қайтадин бешубҳа ва зон.

Танинг ҳар турли бўлғон бўлса барҳам  
Қилур бурноғидек Ҳаллоқи Олам.

Худо ҳеч ерда йўқни айлади бор  
Яратса қайтадин эрмас бу душвор.

Удур ҳоким нечукким ҳукм қилди  
Тирил дегач ҳама олам тирилди.

Иигар маҳшар ерида барча жонни  
Сўрар бандасидин яхши-ёмонни.

Хар ишни күп қилибдурсан ва ё оз  
Хисобин ҳам тилар ул бандадин боз.

Худо ҳар бандасига қылса осон  
Жавобин бергуси бандада ўшал он.

Агар қаттиғ тутар бандада хисобин  
Ўзи билгай анга солган азобин.

Билур гарчи жамиъи ҳолимизни  
Юборур номайи аъмолимизни.

Юборса номани раҳмат йўлидин  
Келур нома у қулни ўнг қўлидин.

Қизил юзлик бўлуб ул ҳам сарафроз  
Суюнгандин қилур ул бандада овоз.

Ўқунг номамни эй турғон халойик  
Келубдур нома ихлосимга лойик.

Биҳишли олия бўлгай макони  
Фариқи раҳмати ҳақ жисму жони.

Агар чандики бўлсам зишти бадкор  
Ҳабибинг умматиман, қўл отим бор.

## ТАРОЗУИИ ҚИЁМАТНИ БАЕНИ

Тарозу ҳақ эрур рўзи қиёмат  
Анинг сидқига нозил бўлди оят.

Билур Тангри агарчи ҳолимизни  
Тарозуга солур аъмолимизни.

Қилур огоҳ қулин қилмишлариға  
Етушмас ақл әгамнинг ишлариға.

Тарозу борига иқроримиз бор  
Нечук эрканига не коримиз бор.

Илохи, қил оғир мезонимизни  
Саломат тут бизинг имонимизни.

### ДАР БАЕНИ ПУЛСИРОТ

Жаҳаннам узра бир кўпрук эрур, ох,  
Ўшал кўпрук Сирот отлиғ гузаргоҳ.

Қиличдин тез эрур, қилдин ингичка  
Пушаймёнлар ўшал кун тушгай ичга.

Ажаб ҳайрон бўлур фарзанди одам  
Қадам қўйса анинг ости жаханнам.

Агар қайтай деса қўймас муваккил  
Бўлур фарзанди одам ҳоли мушкил.

Муайян кўрсалар халқ ул табу тоб  
Бўлур жон ваҳми бирла заҳралар об.

Юраклар қон бўлиб, кўзлар тўкар ёш  
У манзилдин қутулгайму ғарив бош.

Фигонлар қўпгай авлоди башардин  
Ким ўтгай, ким йиқилгай ул гузардин.

Иноят қилса баъзи одамизод  
Ўтар андин яшиндек, баъзи чун бод.

Ўтар андин баъзиси югурук отдек  
Ўтар қурбига лойиқ баъзи ҳар як.

Ўтар баъзи мусулмон тоя-тоя  
Етар Охир деган ишратли жоя.

Қадам қўйса йиқилур баъзи инсон  
Илохи, айлагил ул кунни осон.

Агар ўткармасанг андин саломат  
Қулинг расво бўлур рўзи қиёмат.

Билиб тасдиқ этиб бул кўп хатарни  
Бу мискин қўймади исён этарни.

### М У Н О Ж О Т

Илоҳи, бандани соҳиб надам қил,  
Сироти шаръ узра соҳиб қадам қил.

Ҳидоят пириға топшур қўлумни  
Иноят кўйига кенг қил йўлимни.

Маосий лойиға тойдурма пойим  
Биҳишти мағфиратни айла жойим.

Карамлик подшоҳо, кирдикоро,  
Раҳимо, мағфиратлик биру боро.

Агар чандики беҳаддур гуноҳим  
Саломат қил хусрлардин илоҳим.

Агарчи сони йўқ исён қилибмиз  
Умид улки сани воҳид билибмиз.

Илоҳо, бирлигингни ҳурматидин  
Саломат қил у кўпрук меҳнатидин.

### ДАР БАЁНИ ҲАВЗИ КАВСАР

Қиёматда паямбар ҳавзидур ҳақ  
Сифотин қилди тайин шоҳи асдақ.

Суви ул ҳавзни сутдин эрур оқ  
Иси чун мушкдан ҳам эрди беҳроқ.

Даме сув ичса андин ҳар мусулмон  
Яқин бил сувсамас ҳаргиз ул инсон.

Худовандо, насиб этгайсан андин  
Умиди кўп эрур бандангни сандин.

## ДАР БАЕНИ ШАФОАТИ АНБИЕ ВА АВЛИЁ

Ҳудо изни билан ҳақдур шафоат  
Қилурлар анбиёву ахли тоат.

Шафоатким мусулмонларғадур суд  
Ва лекин бўлмағай беизни маъбуд.

Ҳудо изн айласа рўзи қиёмат  
Суюклук бандаси айлар шафоат.

Қиёмат кун ажаб шиддатли кундир  
Анинг қаттиғлиғи ҳаддин фузундир.

У Куннинг ҳайбатидин бешаку райб  
Бўлур кўк пора-пора, тоқлар ғайб.

Замин автоди барча кўхи сангин  
Бўлур Ҳақ ҳашмидин чун пашм рангин.

Ушал шиддатга ер-кўк қилмаса тоб  
Нечук тоқат қилур бир қатраи об.

Бўлур ҳам ғам билан хурдони зебан  
Далилим «яжъал ал-валидан шайбан».

Бўлур ҳам ғам билан хурдони зебо  
Далилим «яжъал ал-валидан шайбо(н)».

Ҳаво мисдек қизир, ер ҳам темирдек,  
Ғазаб қилган киши бўлғай кўмирдек.

Келур найза бўйи хуршиди тобон  
Хижолат терига гарқ ул биёбон.

Бўлур ўз ҳоли бирлан одамизод  
Келур қўнглиға қилған ишлари бот.

Агар Ҳақ ёпмаса журм айлаган жой  
Гувоҳлик бергуси бил даст ила пой.

Қабоҳатлик амаллар тушса кўзга  
Иложин ким билур ҳазратдин ўзга.

Муҳаммад ким эрур Ҳақнинг ҳабиби  
Маосий дардининг ҳозиқ-табиби.

Белин ҳиммат қуриға боғлаб ул эр  
Ҳама нафсни деса ул умматин дер.

Ҳама ўз нафсиға бўлса гирифтор  
Муҳаммад уммати мискин учун зор.

Агар бўлса эматурғон бола гум  
Топилғонда нечук жавлон урап ум.

Минг андог анодин хўброгу, беҳроқ  
Муҳаммаддур ғариб уммат учун доғ.

Оқар дарё бўлур ул муҳтарамдин  
Шафоат шери бўстони карамдин.

Қилур Ҳақ изни бирла ҳар тараф жўш  
Насиб этган у дарёдин қилур нўш.

Насиба этмаган фарзанди Одам  
Қолур андог улуғ емдин қуруғ фам.

Киши билмас қиёмат даштида оҳ,  
Бу қулларни дегайму уммат ул шоҳ.

Агар уммат деса хуш давлати баҳт  
Иўқ әрса осийларға иш бўлур саҳт.

Агар уммат деса «нурдан ало нур»  
Ишкү эрса осийларға иш бўлур зўр.

Ўшал султонки даоян илоллоҳ  
Гариб уммат учун доғ эрди валлоҳ.

Бу умматлар ажаб зишт этди ҳолин  
Епар бидъат билан суннат жамолин.

Баҳойимдек иши ичмак-емакдур  
Қуруғ тил бирла умматмиз демакдир.

Илоҳи, лутф қил ҳасратли соат  
Ҳабибингдин насиб этгил шафоат.

Айурма яхшиларни орасидин  
Йироғ этма ҳабибинг қорасидин.

### БИҲИШТ ВА ДЎЗАХ БАЁНИ

Эрур жаннату дўзах ҳоло мавжуд  
Яратибдур ани халқига маъбуд.

Кўнгилга солма эй акли пиёда  
Сигар ул икки манзил қайси жода.

Агар амр айласа кавнайн бир пой  
Бўлур бир пистани пўчогина жой.

Кирар дўзахга кофир қайта ўлмас  
Азоби сахтидин ҳаргиз қутулмас.

Ҳамиша қолмагай имонли бандада  
Тутар охир қўлин имонли анда.

Агар афу этса осоми кабойир  
Дегил жоиз удур ғофири сотир.

Сағиродин агар тутса худованд  
Дегил ким эрк анингдур эй хирадманд.

Үзи қодир, үзи ғофир худодур,  
Қулига ҳар на ҳукм этса раводур.

Наъувзу биллаҳ, истиҳсоли исён,  
Олур мўъмин кишидйн шамъи иймон.

Биҳишт ичра кишиким бўлса дохил  
Бўлур анда ҳама мақсуди ҳосил.

Тириқдур доимо андин сўнг ўлмас  
Аламдин, ҳазни ғамдин зарра бўлмас.

Ҳамиша айш ила ишратда банда,  
Кўнгилда кечмаган иззатлар анда.

Агар жаннат билан дўзахни авсоф  
Қилурға жамъ бўлса коф то коф.

Адо бўлмас икки манзил сифоти,  
Ани яхши билур Тангриин зоти.

Ики манзил сифотин сони бўлмас  
Алар аҳли билаң ҳеч фони бўлмас.

Битибдур шориҳи «Аврод» они,  
Ки бўлмас Аршу курси лавҳ фони.

Фано бўлмас деди лавҳу қалам ҳам,  
Ақида булдур, эй фарзанди Одам.

### М У Н О Ж О Т

Илоҳи, эътиқоди пок бирлан,  
Мани оғушта қилғил хок бирлан.

Дилим содик тилимға бўлди қойил,  
Бу сўздин қилмагил бир зарра мойил.

Худовандо, ўзингни ҳурматингдин,  
Кариму, ғофиру саттор отингдин.

Бу мискинларға мұғын исм қилдинг  
Жамоат аҳли суннат қисм қилдинг.

Үшал отдин айирмагил җамиша  
Агар чандики бүлсак журм пеша.

Малак келса жасаддин олғали жон  
Қилур шайтони маълум қасди иймон.

Қилурда жон шириң жисмдин нақл  
Азиз жон аччиғидин кам бўлур ақл.

Кўнгил шаҳбозини қилмоқ учун сайд  
Қилур ҳар ёнда шайтон ҳийлау кайд.

Мадад сан қилмасанг ул дамда ё ҳай,  
Урар тирноғимизға ул лаъин най.

Худовандо, тирикда, жон чиқарда,  
Лаҳадда, Ҳашрда, кўпрук ўтарда.

Жамиъ ерда мұғын отимиздин,  
Айирма сидқимизни зотимиздин.

Ҳамиша нафс ила шайтон каминда,  
Мани озғурмагил дунёу динда.

Тилаким бу аё Суббуҳу Қуддус  
Қулунгни қилмагил расвойи маъюс.

Худовандо, не қилдим турфа ёздим  
Шайотин макри бирлан йўлдин оздим.

Пушаймонман, паришон ўтган ишдин  
Баҳору тийра моҳу, ёзу қишин.

Емон ишдин ҳама узвимни пок эт  
Кўнгил мулкин мақоми дарднок эт.

Яна шарманда қилма қайта бошдин  
Уётлиғ қилмагил дастори фашидин.

Муножот этди Оллоёри мискин  
Қабул этгайсан эй дорандаи дин.

Тилим узр айғоли, эй кошифи роз  
Тилимни минг тилим қилсам әрур оз.

Үётлиғман vale эй Олимус Сир  
Қани узр айғоли юз мингдин бир.

Эмасман туз карам хонинда еб туз  
Керак юзларға қўйсам ҳар қаю юз.

Тила айдим тила ҳар матлабинг бор  
Деди: Ҳақдур ўзи донои асрор.

Ўшал боҳавф этиб борур еримдин  
Терим хижолат била оқса теримдин.

### ДАР БАЕНИ АЖЗУ ШИКАСТАИИ МУСАННИФ РОҲМАТУЛЛОҲ

Ўтар дунёда Оллоёр маъюб  
Мунингдек юрганингдин ўлганинг хуб.

Емон нафсинг сани ўтдек туташди  
Гуноҳинг бора-бора ҳаддин ошти.

Била олмам аё ноқобил авқот  
Нечук жонсан, нечук тансан, нечук зот.

Баҳойимсан башар, девонасан, соғ,  
Гуноҳинг олдида арзинча йўқ тог.

Муханнассанму, эр, болигмусан, ёш  
Юзинг қаттиғ, тилинг аччиғ, дилинг тош.

Фаолинг номуборак, талъатинг шум  
Хумойи бахтинг, ўз каъбинг била бум.

Неким сан аҳд қилдинг бўлди ёлғон  
Қани сандек гуноҳ остида қолгон.

Иироқ тушдинг нағу қурбатли йўлдин  
Йибординг риштаи тоатни қўлдин.

На ким қилдинг жаҳонда эрта-ю кеч  
Риё бирла ул ишни айладинг ҳеч.

Белингни боғла маҳкам, бўлма мафлуж  
Кўзинг оч, карвони қилдилар кўч.

Етиб ғафлат қорасин сурма юзга  
Еди халқ ўз ғамини сандин ўзга.

Мусоҳиблар ки ҳамаҳд эрди мунда  
Кетарлар боки уйга кунда-кунда.

Кўрасан қофилани ўтганин фош  
Кўттармассан хатарлик уйқудин бош.

Кўзинг олдидаги бегона-у хеш  
Сафар раҳтини боғларлар пешу пеш.

Вале сан ҳамри ғафлатдин бўлиб кайф  
Етарсан неча расволиғ била ҳайф.

Улуғлардин, кичиклардин баяқбор  
Кетарлар хонаи мақсудга noctor.

Агар сандек кичиклар тутсалар роҳ  
Ётурсанми ҳануз эй ақли кўтоҳ.

Баногоҳ, карвон султони етса  
Санга асл ватанни ҳукмин этса.

Улуғ йўлға киарсан ҳоҳ-ноҳоҳ  
На қилгайсан вале бетӯшай роҳ.

Ажаб йўл уқбаи ҳар бир қадамда  
Жамиъ карвони баҳри ғамда.

Хусусан йүлдә бир ваҳшатли уй бор  
Кирап ёлғуз бошинг ул уйға начор.

Айуруб карвондин құндурурлар  
Қизил гулдек юзингни сұлдурурлар.

Азиз жисмингки неъмат хора бўлгай  
Қора ер остида бечора бўлгай.

Юз алвон бирла сўз айғон сучук тил  
Демас фармондин ортуқ биргина қил.

Лаҳад қурти агар келса егали  
Қани ул дамда дармон «киш» дегали.

Етишса сўргали икки фаришта  
На қилгай бандай ҳасрат саришта.

Магар Тенгри Таоло қиласа имдод  
Вагарна қайда етгай дод-фарёд.

Яқин билгил муни эй бандай зор  
Худодин ўзга йўқ ҳеч ҳокими кор.

Нагу қуллуқға боғласанг белингни  
Саноси бирла сабз этсанг тилингни.

Лаҳаддин барча Одам ўғли турса  
Бўлуб бир карвон Маҳшарға юрса.

Ва лекин ҳар киши ўз мотаминда  
Бўлур охирги савдоси ғаминда.

Худо қиласа нидо эй бандай зор  
На келтурдинг, на турлук қилмишинг бор.

Тану терингда тотлиғ жон яраттим  
Баҳойим қилмадим, инсон яраттим.

Ҳамиша айладим тарбиятингни  
Нагу қилдинг паришон ниятингни.

Сани солдим мусулмонлиг ерина  
Қани шукр этмадинг мингдан бирина.

Тамом аъзоларингни солим эттим,  
Ариғ зотим билурға олим эттим.

Сугордим оби неъматдин тишиングни  
Қани, айғил манга қилғон ишиングни.

На бергайсан жавобин эй тани зор  
Бу ҳасратдин фигон эй рўсиёвой.

Эрур бошдин аёғинг барчаси айб  
Магар афв айлагай донандаи ғайб.

Яна келса нидо андин билинглар:  
«Ямонлар, яхшилардин айрилинглар.»

Мусулмон ўғлида турфа ёмонсан  
Ёмонлар ўртасида бегумонсан.

Ёмонлигни магар донандаи роз  
Епуб қўшқай саодат ахлина боз.

Тилингда халқ аро тасбиҳу таҳлил  
Ва лекин ботининг тазвир ила хил.

Вагарна сан жаҳон расvosидурсан  
Халойик ичра фитна бошидурсан.

Тилингда халқ ичинда ватъ ила дарс  
Ва лекин ботинингда онча йўқ тарс.

Кўтар кўзга ажаб сўғинамосан  
Ниҳонда нафс итиға мубталосан.

Магар раҳмат билан донои асрор  
Гуноҳларингни афв этгай баякбор.

Ўшал ғамлик кўнгилни айлагай шод  
Накулар ўртасида айлагай ёд.

Киши то шар қилур савдоси тошар  
Наъувзу биллах, улки ҳаддин ошар.

Башар бўлсанг қўй афоли башарни  
Абас ўткармагил ошни ошарни.

Кийибсан халқ аро факрона малбус  
Ва лекин ботинингдадир беномус.

Ё нар хунсомусан қавлингда ё нар  
Уҳудинг нахли ҳаргиз бермади бар.

Ешинг етган сари феълинг сани ёш  
Кўзинг ёши қани эй мағзи йўқ бош.

Қаноат маъданига оч, кўзинг оч,  
Тамаъ бўйи кўринмай бўйидин қоч.

Сочилмасдин бурун сочгил ўзингни  
Сўрулмасдин бурун сўргил ўзингни.

Қозилмай ер санга қайт озғонингдин  
Езилмай иқдалар ён ёзғонингдин.

Бақодур дема айши бебақони,  
Яқони тут ажал тутмай яқони.

Макон этган ерингдур муҳталит лой  
Насиҳат гўша олсанг гўша тут жой.

Яниб айшу тарабдин иста Рабдин  
Ўзин билган қачон қолгай талабдин.

## МУСАННИФИ АЛАЙХИ РОҲМАНИНГ ВАСИЯТЛАРИ

Ман ўлсам эй жамиъи маҳрами роз  
Мани ўзга ўлукдек қилманг эъзоз.

Хасу хор устиға ташланг тутунг хор  
Қилинг мандек баҳойим жисмидин оп.

Бўсаға устиға ташлаб танимни  
Қафан айланг чурук пироҳанимни.

Манга ҳайф этмангизлар тутмаган бўз  
Агар чандики мардум қилсалар сўз.

Юборинг тез боратурғон йўлумға,  
Мабодо қолмағайсиз шумлуғумға.

Кўзингиздин чиқарманг қатраи ёш  
Жанозам орқасидин отингиз тош.

Аёғимдан тутиб судранг лаҳадга  
Нечун қилмадинг деб қуллук аҳадга.

Агар чандики ман бўлсам гуноҳкор  
Дуои зорига сизлар бўлинг ёр.

Дейингиз парвардигоро, кирдикоро,  
Роҳимо, мағфиратлик, биру боро,

Олиб келдук сани қочқон қулингни  
Хатолар бобини очқон қулингни.

Келибдур ҳийласи йўқтур кетарға  
Тили йўқтур бу қулни узр этарға:

Агар берсанг жазо қодир худосан  
Вагар афу айласанг сан подишосан.

Илоҳо, барча отинг ҳурматидин  
Ариғ зотинг, сифотинг ҳурматидин.

Бу қочқон бандаға қылғыл тараҳҳум  
Агарчи қилди қуллуқ риштасин гум.

Мұхаммад отли дүстинг ҳурматидин  
Насиб эт охиратни роҳатидин.

Хама үтган расулинг ҳурматидин  
Жамиъи яхши қуллар ҳурматидин.

Агар чандики бандангдур бад афъол  
Рұхи исёна савби мағфират сол.

Мұхаббат ахлининг асори учун  
Рўйи зард, дили хунбори учун.

Ғазо қылғон эранлар жони учун  
Шаҳидларнинг муборак қони учун.

Улуғларни соқолин оқи учун  
Йигитларнинг дили муштоқи учун.

Ажузларни оқарған боши учун  
Етимларни күзини ёши учун.

Шикаста беваларни дарди учун  
Асир халқини охи сарди учун.

Агар чандики йўқ илкида ҳеч шай  
Бу қочқон қулни расво қилма ё Ҳай.

На бўлгай бу дуолардин худойим  
Бу қочқон бандага үтса жаройим.

## ТОЛИБ УЛДУРКИ ПИРИ КОМИЛ ТОПИБ ҚҮЛ БЕРСА

Кел эй толиб бу дундин юз ўгирсанг  
Тариқи каъбаи мақсудда юрсанг.

Қадам қўйсанг агар бул водийға,  
Қўлунгни топшур ул ходийға.

Ажаб йўлдур анинг поёни йўқтур  
Хатарлик ерларини сони йўқтур.

Талаб қилғон ўша роҳи адамда  
Ҳалокат ҷоҳидур ҳар бир қадамда.

Ажаб йўлдур тамоми меҳнату ранж  
Ва лекин ҳар қаришда бир ниҳон ганж.

Ўшал ганжи ниҳон ётган заминда  
Муҳайёдур қароқчилар каминда.

Агар бўлмаса йўл бошлагувчи пир  
Солур бўйнунгга ногоҳ доми тазвир.

Агар бўлмаса бир соҳиб каромат  
Эмас мумкин киши етгай саломат.

Қачон ҳар пир билур қутлуғ йўлунгни  
Топиб эр яххисин топшур қўлунгни.

Ўшал пирики эрнинг эри бўлғай  
Тариқат бешасини шери бўлғай.

Тахаллуф қилмаса ҳеч шаръ ишидин  
Тамаълик бўлмаса ҳаргиз кишидин.

Олиб қўлға чироги илми зоҳир  
Улуми ботинида бўлса моҳир.

Фано бўлса тану жондин тўлайдин  
Қутулса мосуводин, лутфи ҳайдин.

Қаю эрмиш фано бүлгөн нишони  
Такаббур бүлмаса миқдори дони.

Үзини нафсини ул билмаса нок  
Бүлуб қуллуғда этса ма абду нок.

Агарчи бүлмаса фориғ ишидин  
Үзин кам тутса ҳар мұғын кишидин..

Әшитмаса киши ҳеч ман деганин  
Үзи ҳам билмаса фони эканин.

Үзи айтса фано бүлдүм әмасдур  
Фано бүлған киши ҳарғыз демасдур.

Үзини бошини сотса үзи қул  
Қачон оқил киши бергай анга шул.

Агар рұбару ҳам баъзи мұкошиф  
Ишонмасдур анга ҳеч марди ориф.

Агар күрган билан үздин кетибдур  
Етибсан деб анга шайтон етибдур.

Бу кунни түш била түш құлма эй хом  
Байён этмак била қолғанини шом.

Агар ким бүлса күрмакдин мухофат  
Етар ахшом сабо бу түшдан офат.

Үзин айгон кици албаттадур хом  
Валоят тахтиға, босған әмас гом.

Агарчи ҳар кеча күк бүлса тавфи.  
Бурунғидин зиёда бүлса хавфи.

Мабодо ғаррау түшса күнгилға,  
Бу ғарра бошласа оғатли йүлға.

Бүлур қолатлик әр албатта хомуш  
Агар етілса май ҳеч урмагай жүш.

Күттармас ул валоятлик хирадманد  
Садо чиқмас унидин боғласа қанд.

Демас ҳар кимга асрори ҳақойик  
Агар топилса ганж ихфоси лойиқ.

Киши учқон билан суйи самовот,  
Таварруъ қилмайин бўлмас камолот.

Вали улдур чиқарса мосувони  
Ҳаводиндур талаб қилмоқ ҳавони.

Наби табиатидур риштаи ҳубб  
Вараъ қилмоқ камолоту тақарруб.

Агар қилдек эрур манҳи вагар қил  
Вараъ асҳоби айтурлар ҳазар қил.

Агарчи кўп эрур жуду сужуди  
Қўринмас заррача ориф вужуди.

Агарчи зоҳиру ботин деса дарс  
Сақар олдида турғондек қилур тарс.

Анингдек ҳодий амрин қўйма зинҳор  
Шайотин шатталар айрилсанг эй ёр.

Анингдек ҳодига қилсанг итоат  
Саодатдур, саодатдур, саодат.

Гадойи кўчайи даргоҳ бўлсанг  
Умиддур мулки дилни шоҳи бўлсанг.

Киши қилса хилофи ҳукми шариъ  
Ани жинни дегил ё марди саръи.

Агар сув устида юрса ўша кас  
Дегил чандон бўлур сув устида хас.

Ҳавоға учса монанди жиндор  
Ани ходий дема шайтондиндур.

Күран ортуқ әмасдур күрмаган кам  
Ким атқо бўлса индаллоҳ ул акрам.

Керак тобиъға матбуъи мукаммал  
Улуғ тандин бўлур пайдо улуғ зал.

Керак кўп толиб ичра бир неку рой  
Еруғмас мунча юлдуз бўлмаса ой.

Олиҳиммат йигитларга керак пир  
Камонсиз учмаган кўп бўлса ҳам тир.

Ўшал чандики ҳарб олатин осар  
Агар босар юруса ёвни босар.

Софилтур телбани пири забардаст  
Қуюннинг шўришин дарё қилур паст.

Тушуб шоҳ илкина бози қочар боз  
Бўлур зоғларга бози эй сарафroz.

Бу таърифларга содик бўлса пилинг  
Ва лекин бўлмаса равшан замиринг.

Эрур нуқсон ўзунгдин кўрма андин  
Бўлур саъй албатта пирман дегандин.

Пилинг фармонидин қилсанг тахаллуф  
Таассуфдур, таассуфдур, таассуф.

## ШАРОБИ МУҲАББАТНИ ПИРИ КОМИЛДИН

Кел эй соқий икковлон айлали шурб  
Ўшал шурбики халқ андин топар қурб.

Шароби ҳарки дил андин бўлур саҳв  
Қилур бир муддаодин ўзгани маҳв.

Агар Фагфури Чиндир, Қайсари Рум  
Муҳаббат аҳлининг олдида маъдум.

Муҳаббат жомидин тобса киши баҳр  
На қилсан мулку молу, Мовароуннаҳр.

Кўнгил мулкига бир олий сифатдур  
Муҳаббат боғи ганжи маърифатдур.

Анингдек мулкини султони бўлсанг  
Не ҳожат ер юзини хони бўлсанг.

Агар хардалча бўлса меҳри ағёр  
Бўлур ботин кўзинг маҳжуби асрор.

Нечукким зарраи хас тушса кўзга  
Қилур албатта кўрмакликни ўзга.

## СОЛИК ҚАЗОГА РОЗИ, БАЛОҒА СОБИР

Кел эй соқий муҳаббат жомидин май  
Харидор илкина бергил паё пай.

Қаю ҳолатда бўлса эрта-ю кеч  
Хилофи ҳукми маҳбуб этмагай ҳеч.

Бу йўлни барчасин тай қилғон эрлар,  
Ризо бермак мақом аълоси дерлар.

Агар ҳар кунда ичса заҳр аёғин  
Суюклиқ бандаси чатмас қабогин.

Кишиким розилик номинда бўлса  
Қилур шукр аждаҳо коминда бўлса.

Ризо айвонида тобқон киши жо  
Демас во, боби офат бўлса ҳам во.

Агар мағзи дилинг айрилса то пўст  
Иғини йиг агар чин қулсан эй дўст.

Сўнар ғам тушса ҳам озода эрга  
Ўчар ўт келса хасдин ўзга ерга.

Худо амриға оқил ғам емасдур  
Демас гардун қилур гардун эмасдур.

Бу тоғқа сурсалар ташлаб у тоғдин  
Санодин ўзга чиқмас аҳли соғдин.

Агар қиндуру магар минг қилсалар қин  
Қачон тушгай чин эрнинг кўнглина чин.

Қаю ҳолат билан жон бўлса танда  
Бўлар шокир ҳамиша рози банда.

Улуғ Йўлдин адашган неча беақл  
Қилур эрлардин ул ёлғончилар нақл.

Кишиким ошиқи дийдори ҳақдур  
Муҳаббат аҳли бирлан ҳамсабақдур.

На ҳожат ўзгача тоатлариндин  
Бўлур юзи қаро мундоғ дегандин.

Буюрғонига ҳар ким бўлса мункир  
Гумон йўқтур бўлур албатта кофир.

Ўшал халқики кўп беақл әмишлар  
Худонинг душманин ошиқ демишлар.

Дилу жон бирла бўлган ошиқи зор  
Хилофи ҳукм қилмас зарраи кор.

Буюргон ишларини шоду ғамда  
Қилур бирдек фароғатда, аламда.

Агар тўлдурсалар ерни юзини  
Қизил тилло билан, солмас кўзини.

Бало ўқи қадалса урмағай оҳ  
Қилич бошига келса бузмағай роҳ.

Кишиким қилса ошиқликни лофин  
Қилурларму ҳеч маъшуқин хилофин.

Мусулмонини юз чўб урди бир дун  
Ўшал озодадин ҳеч чиқмади ун.

Деди бир нозире қўб, ҳокима бор  
Бу айди ҳоким ҳозирдур эй ёр.

Тан-жону чунон амлоку рабдур,  
Мақосад истамак биздин ажабдур.

## ТОЛИБ УЛДУРКИ ЖАҲОН САВДОСИДИН МОСУВО БЎЛСА

Кел эй кўнгил жаҳон савдосидин кеч  
Қадам ғам кишварина урмағил ҳеч.

Жасад қолмасдан илгари нафасдин  
Ҳаво кўп қилмагил, кечгил ҳавасдин.

Дари товба очуқда иста мақсуд  
Иш ўтган сўнг пушаймондин нечук суд.

Эгил тезроқ худонинг тоатига  
Кейин қўйма бу дамни соатига.

Йигитликда ажаб хуш хавф зори  
Ёғинлик келса хўб йилнинг баҳори.

Кўзидин ёш оқар қўрқиб тўкар ёш  
Дурри раҳмат бўлур ҳар ёшига чош.

Мабодо товба қилмасдин бурунроғ  
Ажал келса кетарсан товбасиз дөғ.

Ўлумни доимо ёнингда билгил  
Анинг илгин гирибонингда билгил.

Ўлимни соқисин пешонада бил  
Лабингни доимо паймонада бил.

Ажал тортиб турубдур ёй била ўқ  
Ёшунур ер, қочар дармонимиз йўқ.

Кўтарибдур қилич бизга солурға  
Киши билмас қўярму дам олурға.

Билурсан йўқ бу дунёни бақоси  
Қадам қўйғон ерингдур жар яқоси.

Таажжуб мундин ўтмас жар лабинда  
Бани Одам ҳануз ўз матлабинда.

Қадам дарё юзида рўйи хасда  
Ҳануз авлоди Одам минг ҳавасда.

Саҳар бўлса нидо айлар фаришта  
Дегай эй одами гафлат сиришта.

Сани ҳалқ айлаган султони ғолиб  
Ҳамиша бандасидан товба толиб.

Эгамни мағфират дарёсидур жўш  
Ажабдур бандасидин гафлат оғуш.

Ётурсан тобакай әмди уёнғил  
Дилу жонинг била ҳазратга ёнғил.

На ким қилмишларингдур товба қилғил  
Бошингни юқори қилма, қуайи қил.

Агар ер юзини султони бўлдунг  
Ўлум чанголига ахир тутулдинг.

Агар тобсанг ҳаёти Хизру Илёс  
Кетарсан бу жаҳондин аййуханнос.

Агар тобсанг ҳаёти ҳазрати Нуҳ  
Қилур бир ўлум жонингни мажруҳ.

Надур товба демак янмоқ гуноҳдин  
Тузук йўлга юрумак ўзга роҳдин.

Худо даргоҳида чун айладинг аҳд  
Ани синдурмагил нафс айласа жаҳд.

Агар товба демак чиқти тилингдин  
На суд ул бўлмаса жону дилингдин.

Дилу жон бирла қилғонни нишони  
Яна қилмаса товба қилғин они.

Агар чин ёнасан тормош бу ёна  
Тахи поёнидур тойрилма яна.

Надам нурин кўнгилдан қилма ғойиб  
Агар тойиб эрурсан, кетма тойиб.

Ўлар бир аҳд ила бир хайли бўлса  
Агар чандики ишрат·майли бўлса.

Кўнгил тасдиҳи решадур амал шоҳ  
Улуғи товбадур синдирма густоҳ.

Синуқ шоҳ зарби бўйла заҳм олур васл  
Мабодо қолмагай хушк охири фасл.

Жарима чирки бирла зоҳиру сир  
Вўлубсан кар, шадом дарёсиға кир.

## ҲИКОЯТИ БИБИ РОБИА АЛАИХА РОҲМА

Эшитгил Робиани ашкин эй шоҳ  
Биронинг чодириға томди ногоҳ.

Деди юв чодирингни эй қариндош  
Кизил қондур кўзимдин сачрагон ёш.

Үётлиғ осийадин эй газида  
Бўлубдур қони табдил оби дийда.

Агарчи Робиадур маръи биззот  
Эранлар қўйдилар тож ур-рижол от.

Ўзин судраб харамға жони бирлан  
Етушти етти йилда ёни бирлан.

Анинг шаънидаги касбу камолат  
Ададдиндур бийрун азвоқи ҳолат.

Мунингдек йигласа андоқ неку рой  
Бизнингдек рўсиёни ҳолигавой.

Ҳамиша завқимиз айшу кулушга  
Етушмас эрта қилғон товба тушга.

Илоҳи, лутф қил ман мубталога  
Тушубдурман биёбони балога.

Етибман юз тубан иссиғда сувсаб  
Киши йўқтур томизғай қатраи об.

Кўруб қоним етибдур лабға жоним  
Тушубдур ерга оғзимдан забоним.

Музайят аҳли атрофимдадир пур  
Умидликман ҳануз ё кошиф уз-зур.

Карам баҳридин эй султони ваҳҳоб  
Ато қиласанг манга бир журъаи об.

Саодат қувватин қилсанг иноят  
Рафиқим бўлса тавфиқи ҳидоят.

Бериб синмас асойи товба қўлға  
Талаб дарди билан солсанг бу йўлга.

Таваррӯз зоди бўлса қўйнимизда  
Убудийят таноби бўйнимизда.

Юритиб яхшилар кезган субулни  
Ризо муликига қўндуурсанг бу қулни.

Мунингдек ишлар эй донои асрор  
Санга осон эрур, гар бизга душвор.

Қўтарибман умид бирла билакни  
Худовандо, қабул этгил тилакни.

### МАВЪИЗА

Кел эй нафс очмагил кўз ҳар қаёна  
Йўқ эрмиш эъти mod ушбу замона.

Муяссар бўлса тиллодин санга тахт  
Ўзингдин пастга зинҳор аймагил сахт.

Агар берса жаҳон сultonлиғи даст  
Киши ўз ҳолини билмак керак паст.

Агар рутбанг эрур аълои оғоқ  
Икқилғон хасталарни ҳолина боқ.

Бу рифъат бирла кўкни кўр ҳамиша  
Юзидур ер сари эй яхши пеша.

Агар чандики ўрнинг бўлса афлок  
Куёшдек ўп юриб рухсораи хок.

Агар дунёда бўлса зўр-базў  
Вале анда қуруғлигdir тарозу.

Тараф мўри ва санда қуввати фил  
Мусулмонлигда анга марҳамат қил.

Агарчи ул оёғ остидадир хор  
Худо махлуқидир, оғритма зинҳор.

Такаббур қилмагил эй бемаони  
Фалони ўғлидурман деб фалони.

Агар олдингдаги қул бўлса волий  
Кўнгилни кинасидан айла холий.

Бурунги ҳолига қилма назора  
Ани Тангрим азиз этса начора.

Ишонма отага, қолма талабдин  
Сўралмасдур қиёматда насабдин.

Ҳасаб фавқи насабдур эй наку ҳол  
Иипак тундин ўтар хўп ишлаган шол.

Қорача ўғли хожа ўғлидин кам  
Муаллим бўлса саййиддан ўтар ҳам.

Агар соҳиб насаб туздир ишига  
На сўздур икки хислатлик кишига.

Агар қилсанг сафар дорул ҳаёта,  
Хўб ота бор дема тормош хўб ота.

Агарчи Нуҳ әди ходии инсон  
Туғубдур андоғ эрдин номусулмон.

Агарчи Нуҳ ўғлин арзин этти  
Худодин «лайса мин аҳлик» эшилти.

Абу Толибки омдур Мустафога,  
Ота эрди Алийул Муртазога.

Кичикдин Мустафога эрди мушфик  
Ва лекин бўлмади динда мувофик.

Диёнатсиз ўшалки бўлди нобуд  
Паямбар шафқати ҳам қилмади суд.

Анинг ҳукмидадур идбору иқбол  
Тикандин гул чиқарди, заҳрдин бол.

Ҳалиуллоҳ эдилар Озар ўғли  
Тақи Лут набидур Ҳозар ўғли.

Ҳасуд этган киши дуну дағалдур  
Бу бир сўз халқ аро эски масалдур.

Чироғиники хақ ёндириди қўйди.  
Ани ким «пuff» деди сақоли куйди.

Худони сунъидан кўрдинг карашма  
Бир эски ердин оқти янги чашма.

Ани этгали банд олди бару бил  
Муни ғарқ айлади ногоҳ келиб сел.

Агар тори киши зулм этса тор-тор  
Вале мазлум деганин ажри ортар.

Мусулмонига ҳеч бўлма мукобир  
Борур жой бир эрур эй нафси жобир.

Тушурма нафъи йўқ ранжиш миёна  
Сани элтар зиёна то зиёна.

Тирик юргунча золим ўлгани хўб  
Гинадин ҳар неча кам бўлгани хўб.

## ҲИКОЯТИ ҲУЖЖОЖ

Мусулмонига бир кун айди Ҳужжож  
Дуои хайр учун бизга қўлунг оч,

Дуоға қўл кўтарди ул неку ҳол  
Деди ё Раб, бу золим жонини ол.

Деди Ҳужжож ўшал марди худоға,  
Тилинг борди нечук мундоғ дуоға?

Деди Ҳужжожга ул марди наку сиир  
Санга, ҳам барча мўъминларгадур хайр.

Гуноҳинг кам бўлур ўлсанг агар тез,  
Кетар зулминг аларни бошидин тез.

## ТАМАҶДИН ҚОЧМОҚНИ БАЁНИ

Кел эй озода бўл ҳиммат билан ёр,  
Тамаъ зиндонига бўлма гирифтор.

Берурга бўлмаса дунё ишидин,  
Уз истиғно, тамаъ қилма кишидин.

Худойим ҳар на берса қил қаноат,  
Юракни қилма миннатдин жароҳат.

Югурсанг кунда бир каду учун чанд,  
Бухородин югурсанг то Самарқанд.

Бадахшондин кўтарсанг Ўш сари тош  
Баҳоси Балх ичида бўлса бир мош.

Агар боши била чоҳ қазса банда  
Кўзини ёшича сув тобса анда.

Вагар қазса ариғ кирпик била мард  
Агар бир хўшай жав қилса парвард.

Бу меңнат бирла тобсанг парчаи нон  
Кишини миннатидин улдур осон.

Қидирғон бирла ризқинг қатра тошмас  
Кетар қадринг қадардин ҳаргиз ошмас.

Таваккул ганжидин эй юз ўгурғон  
Буюрғонга мухолифдур бу юрғон.

Ола бўлғон ола юрғондин ортуқ  
Кўмулган термулиб турғондин ортуқ.

Агар тош чайнаса элдин чиқиб тош  
Кишига эгмагай ҳимматли қул бош.

Тамаъ нонига лаб очгунча ул оч  
Тамаъ бўйи кўринмай бўйидин қоч.

Агар қорни бироз тўймаса қорни  
Кишига эгмайгай ҳар banda сарни.

Тамаълик силадан беҳдур силингандин  
Тилангандин эрур ортуқ тилингандин.

Тамаъ қилма топарга зарнигорин  
Бу зар меҳри бузар динни ҳисорин.

Кишини матлаби сийм бўлса ё зар,  
Халилни отаси ҳам бўлса Озар.

Мусоҳиб билмагил дунё хасимин  
Насими маърифат иста на сиймин.

Эмаклаб тушса кетса эт билан пўст  
Тамаъ қилма кишидин тўша эй дўст.

Ғараз дунё бўлиб эй одамизод  
Азиз умрингни ҳаргиз қилма барбод.

Кишини хизматида боғласанг қўл  
Жиловида югурсанг бир қадам йўл.

Бу юрғондин фано кечганинг ортуқ  
Бу неъматдин заққум ичганинг ортуқ.

Ва лекин тегса хос эрнинг жилови  
Саодатдур дилинг дарзига водий.

Анингдек эрни даргоҳида қиши-ёз  
Азиз умрингни ўткарсанг эрур оз.

Ушал эрни эриким бериёдир  
Қадам туфроғи кўзга тўтиёдур.

Анингдек бандани бўлсанг гадоси  
На давлатдур худойимнинг ризоси.

Анинг бир донасиидур хирмани зар  
Дамий суддир ул эрдин мушки анбар.

Саодатлик мурид ул ҳақ раҳинда,  
Билур йўлбошчисининг даргаҳинда.

Не расво пир эрур нафс учун хор  
Муриди эшигинда юрса ул зор.

Ҳаёйўқ, шарм йўқ ҳаргиз аларда,  
Битиклик ҳодийлардан нусхаларда.

Кеча-кундузга кимнинг қути етса,  
Ҳаром эрмиш ўзини сойил этса.

Наби аиди қиёмат бўлса, эй дўст,  
Тамаътирни юзида бўлмагай пўст.

Билай десант бу сўзни иста «Мишқот»  
Тамаъ бирла кечурган ҳайф авқот.

## ХИКОЯТИ САВБОН

Ажаб мард эрди Савбон атқиёда  
Ул отлиғ эрди, эл бир кун пиёда.

Құлидин ерга қамчи тушди ногоҳ  
Тушуб олди ўзи ул марди огоҳ.

Еронлар айди ул покиза ҳалқа,  
На бүлгай эрди амр этсанг бу ҳалқа.

Деди Савбон тамаъдин бүлмағай деб,  
Олиб бергил демакни күрмади эб.

## МУҲАББАТСИЗ КИШИДАН ҚОЧМОҚНИ БАЁНИ

Кел эй толиб күзунг ибрат била оч,  
Муҳаббатсиз кишидан қуш бўлиб қоч.

Муҳаббат аҳлини жуёни бўлғил  
Ўшалким учради, қурбони бўлғил.

Кишини кўнгликим бегона бўлса  
Эрур душман агар ҳамхона бўлса.

Муҳаббатсизки бўлди ҳар қаю зот  
Агар фарзанди шириндур эрур ёт.

Муҳаббат бўлмаса ҳар кимда эй хайр  
Отанг бўлса эрур бегонаи ғайр.

Ақориб юрмаса кўнгли оқариб  
Қўлунгдин келса ҳеч ўлтурма бориб.

Агар бегонаининг доғи бўлса  
Анга сарф эт кўзингни ёғи бўлса.

Жигарбандинг юрагинг гүшасидур  
Анинг меҳри қиёмат түшасидур.

Анингдек ёр ила чун айладинг аҳд  
Ичурса заҳр ани билмак керак шаҳд.

Тиласа бўркни бермак керак бош  
Агар жон истаса қайтармагил қош.

Агар бўлсин десанг енгил оғирлар  
Чиқиб бир ёна тоб бирён бағирлар.

Қилур суҳбат асар эй толиби роҳ  
Мунингдек жори ўлди одатуллоҳ.

На ким тузганига тушса бўлур туз  
Ки андин ўтса неча кеча-кундуз.

Агар чандики ноқобиллигинг бор  
Некулар жамъидин айрилма зинҳор.

Агар чиқса йипакни жамидин лос  
Бўлур гарқ сиёҳи аййуҳаннос.

Ўзин қилса қаю мис нуқраға зам  
Қўяр мис отини халқ ўғли дирҳам.

Олур суҳбатда бир-бирдин киши баҳр  
Агар кўп чашма бир бўлса бўлур баҳр.

Жамоатдин ўзунгни қилма мумтоз  
Чопар кўп тўпдин айрилғон қўша боз.

Галага бўри чопса эй фалони  
Қаю айрилса аввал тишлар они.

Юрусанг як дейу бошингни янчар  
Қароқчи тўпдан айрилғонни санчар.

Худони раҳмати бўлса жамоат  
Эрур раҳматдин айрилғон шаноат.

На ул жамъики гафлат аҳли бўлгай.  
Баҳойимдин зиёда жаҳли бўлгай.

Аларни сұхбатин бил заҳри қаттол  
Бузар кўп сұхбатин бир бад афъол.

Керак сұхбат әли бир тану бир ранг  
Барас бар рўйи нохун бўлса ҳам нанг.

Агар музирдир ул нафрат қил ондин  
Илондин не заарар кўрсанг бил ондин.

### ХИКОЯТИ ДЕВ АЛАИҲИ ЛАҶНА

Деди бир дев ҳосид яна бирга  
Бориб қайд эт фалон фахшли ерга.

Деди ул фирмадин фориғ бўл эй ёр  
Алардир бир-бириға раҳбари нор.

Билибдур зоҳирий душманларин дўст  
Эмас ҳожатки кирса раг била пўст.

### ДУНЕДИН ТАЖАРРУД ҲАҚИНДА

Кел эй солик ўзунгни йўлга солдинг  
Улуғ ҳиммат асосин қўлга олдинг.

Агар қолмай десанг кирган йўлунгдин,  
Тажарруд давлатин берма қўлунгдин.

Кейинга боқмагудек бўлса банда,  
Етар мақсудига тез излаганда.

Агар боқсанг кейин бу тоғу чўлда,  
Мабодо қолмагайсан ўрта йўлда.

Машаққат бўлмаса сунғон йўлунгда,  
Беҳ андин бўлғони ернинг қуянда.

Ибодат бандани манзури бўлса,  
Беҳ ул эрни уйида ҳури бўлса.

Ва лекин этмаса шаҳват жудолиг,  
Кўнгилға тушса қасди кадхудолиг.

Диёнат истагудекни талаб қил  
Агар топилмаса кунжида хаб қил.

Агар занги бачадур кўзлари кўр  
У ким мастура бўлса бил уни ҳур.

Агар чандики бўлса бандазода  
Ани соҳиб наسابдин кўр зиёда.

Тилини узуни шарму ҳаёси  
Юзини оқидур эрни ризоси.

Ўшал хотунки номаҳрам назардур  
Агар шамсу қамардур мочахардур.

Агар чандики бузург зодадур ул  
Яқин бил тўрт аёқлик модадур ул.

Ани манъ этмас эрдур беҳамият  
Хулосада эрур мундоғ сувийат.

Боғайрат эр бўлур рози қазоға  
Юбормас хотунин тўйу азоға.

Бўлур рози қаро ерга тиқарға  
Қачон рози бўлур уйдин чиқарға.

Гараз эй бандалар нозир бўлинглар  
Емон йўл фирмага ҳозир бўлинглар.

Бани одамда бордир бир фариқа.  
Тутарлар ўзларин аҳли тариқа.

Алар шаръи набининг душманидур  
Аларни оти яъни равшанийдур.

Алар ўзлариға ориф қўйиб от  
Ўқурлар омиларга яхши абёт.

Ва лекин айтушур беҳуда маъни  
Ўзини йўлина солмоққа яъни.

Жамъи жониворлар тушса кўзга  
Ҳамиятли бўлур тўнғуздин ўзга.

Аларнинг феълидур тўнғузга ўхшаш  
Шариат мункиридур оғзига тош.

Аларни феълинниким яхши билди  
Бўлуб кофир ёнар ўтга иккилди.

Бўлубдур ҳам тақи бир фирмә пайдо  
Оти мўъмин, vale нафсиға шайдо.

Иифарлар пораи бўйни йўғонни  
Солурлар ўртаға қизу жувонни.

Агарчи равшани эрмас бу авбош  
Вале бу иш шариат ҳукмидан тош.

Битибдур Бул Ҳасан ул яхши бандада  
«Китоби танбех уз-золин» ичинда.

Бу айғон фирмаким золу музилдур  
Шариат аҳли бу элдин хижилдур.

Илонсун деб тақи бир неча беақл  
Қилурлар Хожа Аҳмаддин муни нақл.

Худони дўсти бўлса Хожа Аҳмад  
Қилурми ҳеч мунингдек бидъати бад.

Шариатда эди ул оғитоби  
Қолибдур бизга ул эрдин китоби.

Үшал султон битибдур балки онда  
Чиқар мундоғ фариқ охир замонда.

Аннингдек фирмә малъуни Худодир  
Аларни феъли суннатдин жудодир.

Бу ишлар бешаку райб эй мусулмон  
Үшал қутби замонга эрди ёлғон.

Қаю эрдинки нақл этса бу ишни  
Инноманг зинҳор андоғ демишни.

Вали бўлса Улуғ Йўлдин тоярму  
Хилофи шаръи пайғамбар этарму.

Ани шаънига ёлғондур бу афъол  
Агар чин бўлса эрмас соҳиби ҳол.

Вале билмасмиз ул айғон кишини  
Қилиб ўтган экан шайтон ишини.

Олиб борса киши аҳлу аёлин  
Кўтарур беҳамиятлик вуболин.

Ҳаром ишники тоат билса инсон  
Эрур бул эътиқоди номусулмон.

Биродарлар, билинглар роҳи Ҳақни  
Тутунг душман ул айғон фирмәни.

Қиёмат кун қўшилса жон била тан  
Қўпар ҳар одами ўз дўсти бирлан.

## Ҳ И К О Я Т

Паямбар дарида бир кун гадойи  
Келиб эрди тилаб хайри худойи.

Туруб эрди қарошиб баъзи азвож  
Ғазаб бирла қаради шоҳи меъроҳ.

Дедилар: Эй шаҳаншоҳи қабойил  
Биз андин қочмадук кўр деб бу сойил.

Аларга дедилар султони аброр:  
Агар кўр бўлса ул, сизларда кўз бор.

Алар биз билмадук деб зори қилди  
Гуҳарлар кўзларидан жори қилди.

Не сўз пайғамбар азвожига эй ҳок  
Алар эрди жамиъ шубҳадин пок.

Таажжуб фитналиқдур бу замона  
Тушубдур эрлар аҳволи ёмона.

Хирадманд, эшит мандин неча панд,  
Бу сўзга бўлмадим омил агар чанд.

Замона хотунини йўлға солмоқ  
Эрур осон ул ишдин жанг қилмоқ.

Узулмас солмани бўйнунгга солма  
Агарчи олмадур рухсори, олма.

Дами айшики бўлғай охири сард  
Ани хушлаб қабул этма узун дард.

Бола деб солмагил жоним балоға  
Бола бирла бўлурсан мубталога.

Мусулмон оли бўлсанг олма олин  
Агар олсанг қабул этма уболин.

Кўюб Тангри Таолонинг ризосин  
Нечук тандур қилур зан муддаосин.

Агар бор олғонингни яхши ҳоли  
Дема хотун, дегил динни камоли.

Хуш ул зан билмаса беҳуда дерни  
Сучук лафзи билан шод этса эрни.

Агар ўн йил уйида бўлмаса ун  
Уни чиқмас уни айтурға бир кун.

Билур эр олдида додак ўзини  
Вагар юз тефса қайтармас юзини.

Агар ўйса кўзин кулфат била шуй  
Туруб уйдин чиқарға айламас ўй.

Сирин фош айламас гар ғамда бўлсин  
Агар танг бўлса, айтур бўлса бўлсин.

Агар занни мунингдек бўлса хишти  
Ани билгил бу дунёни биҳишти.

Иликка тушса мундоғ нозанин гул  
Дегил бу сандадир бўсандаман қул.

Саройи охиратни зодидур ул  
Иноят гулшанини бодидур ул.

Қаро дема қара хуш феъли хўйи  
Некудир на кўча кўрса, на кўйи.

Ғанимат бил топилса хулқи хуш кўр  
Балодир жонингга моҳи сухансур.

Оқизур оқлигин гар келса тилга  
Қизил деб олмагил бадҳў қиз элга.

Ёмон бўлса наъувзу биллаҳ, ондин  
Зиёндин ҳеч ўзга келмас ёмондин.

Ёмон хотун шайотин қамчисидур  
Қўлинг боғлагувчи аргамчисидур.

Ду олам нори бўлса нори кетсун  
Кўзунг кўрмасга шум дийдори кетсун.

Агар ул кетмаса сен кет олиб бош  
Кўтариб юрмагил тоғдин оғир тош.

## ҲИКОЯТ

Неку зотига айди бир неку хўй  
Эрурсан булажаб минқоди шўй.

Деди қасдим мани Тенгрим ризоси  
Битар бу ўртада эр муддаоси.

Агар тоат мұяссардур бу ишда  
Нечук сунмай бўйун амр айламишда.

## ШАЙХИ КОМИЛ ИСТАМАКНИ БАЁНИ

Кел эй сўфи, умид этсанг сафодин  
Қариш чиқма тариқи Мустафодин.

Амал қил иттико қилмай амалга  
Таваккул айлагил азза ва жалла.

Амал қилмай сафо бўлмас кўнгилда  
Оёғсиз ҳеч киши юрмади йўлда.

Қачон қўлсиз киши бўлгай шиновар  
Шиноварман деса ҳеч қилма бовар.

Солибдур ахли суннат роҳи ома  
Бу йўлдин чиқмагил ўзга мақома.

Дема тутдум фалон бузрук ишини  
Қўя кўрма набини қилмишини.

Ўшал бузрукки соҳиб ҳимматидур,  
Росулуллоҳнинг хос умматидур.

Паямбар қилғонидин қилмагай тош  
Агар чандики бўлса кўз била қоп.

Шариат ҳукмидин ташқи риёзат  
Эмас тоат, қабоҳатдур, қабоҳат.

Амал қилмоқ учун кирсанг бу йўлда  
Керакдур шамъи илм албатта қўлда.

Коронғуда қадам қўйсанг ёзарсан  
Агар кўз бўлмаса йўлдин озарсан.

Эрур чунки ажойиб бир қатраи роҳ  
Қадам қўйсанг оёғ остидадур чоҳ.

Тузук йўл деб қадам ўтру солурсан  
Қудуқға тушганинг билмай қолурсан.

Кўзунг гар бўлмаса эй ақли хушёр  
Асокашсиз қадам ҳеч қўйма зинҳор.

Агар олим сўзин хуб билса омил  
Ани оми дема эй марди комил.

Удур жоҳил билиб муршид ўзини  
Қулоқға олмағай олим сўзини.

Диёнат беҳидур илми ақоид  
Томурсиз шоха сув бермак на фоид.

Бу маҳкам туб шажарни шохи аъмол  
Либоси бўлди тақво меваси ҳол.

Ажаб аслики фируъи фи асмодур  
Чикорур ҳодийи илм раҳнамодур.

Бедуни илм агар қўйсанг анга пой  
Тойиб кетсанг сени аҳволинга вой.

Иликға домани ҳоди илм ол  
Чиқиб шояд егайсан меваи ҳол.

Ажабдур ердаги турғон амога  
Узатур илкин асмари самоға.

Заифе этса бе фиқхи зарури  
Муяссардур анга тоат сурури.

Үқур билмаса зоҳир лафзи Қуръон  
Нечук маънисини билгай ул инсон.

Агар магзин олубдур марди зоҳир  
Нечук қолди кўрунмай фашри зоҳир.

Эрур дин илми чун зардолу эй дўст  
Мулаззаздур ани магзи ҳам пуст.

Биродарлар будир бу қулни арзи  
Вале бўлгайму қилғон тарки фарзи.

Эрур фикҳи зарури фарзи айни  
Емондур турфа нодонлиғ нишини.

Бу тарк узра бўлур тарки фаройиз  
Нечук бўлгай vale тонгла оройиз.

Агар ул билмаса илми ақоид  
Бўлур акбари осома оид.

Анингдек телба касни эй наку зот  
Вали билма агар кўрсанг кушуфот.

Юмуб кўз уйқуда кўрган била кас  
Вали билмас они марди суханрас.

Югурмакдин ўзин билса зиёда  
Дегин отдин тушуб бўлди пиёда.

Бурунги ҳолидин қилди таназзул  
Тушар саркашли қулни бўйниға ғул.

Не яхши ёр ўзин билса гуноҳкор  
Бўлур кўрган сари қўрқинчи бисёр.

Агарчи бўлса кўп пинҳон сужуди  
Кўрунмас заррача ориф вужуди.

Ризойи Ҳақ анинг мақсуди бўлса  
Ҳаёу, илму, ҳилм жуди бўлса.

Анинг ихлоси қуллук бўсаву бас  
Риёдин бўлмаса кўнглида бир хас.

Жамъи ишларин солса худоға  
Кўлун топшурса ул марди худоға.

### ҲИКОЯТИ ШАИХ ИМОМ БАСРИЙ

Имоми аҳли суннат шайхи Басрий  
Умид улдурки жаннат бўлса қасри.

Ани бор эрди бир оми муриди  
Ва лекин танда эрди қашфи дуди.

Мурид келмади бир неча айём  
Ўзи тобти ани ул шайхи ислом.

Деди қилмоқ учун ул омини ол  
Манга асроринг айғил эй неку ҳол.

Деди ҳар гаҳ ки хуфтон келса қарши  
Етарман лаҳзада айвони Арши.

Малоикдек бўлиб Арш ичра мумтоз  
Худо бирлан узун шаб этарман роз.

Деди борсанг ўшал манзилға чун бод  
Бу мискин отини ҳам айлагил ёд.

Яна кечага ул манзилга етди  
Ҳасан отин тилига жори этди.

Бузулғон кўрди арш дилкушойин  
Нажосат хонаида кўрди жойин.

Яқин билди муни шайтон қилиб қайд  
Қилур эркан муни ҳар кечаси сайд.

Инобат қилди бориб қайта бошдин  
Муяссар қилди илм отлиғ қуёшдин.

Езар ботилни туз олимни оти  
Фа кайфа ул ерда ҳозир бўлса зоти.

Ариғ илму амалдир раҳбари ҳол  
Бу икки бол илан учган ичар бол.

Агар бўлмаса илминг эй сабук сайр  
Билур болинг вуболинг барчасин хайр.

Агар билсанг неку афъоли баддин  
Наъувзу биллаҳ андоғ маоқаддин.

### МАВЪИЗА

Кел эй оқил буюрсанг ақлинг ишга  
Ўзунгдин кетмагил доно демишга.

Агар боло чиқиб кетсанг ўзингдин  
Йиқилғайсан тойиб ерга юзингдин.

Ўзин боло тутиб кибр айламакдин  
На чабуклар йиқилдилар аёғдин.

Агарчи ҳар кеча дил маҳзанина  
Боқарсан кўп туриб кўп турмасина.

Агар чандики бўлсанг қутби аброр  
Дегил не донишим, не да ишим бор.

Ниҳоли меҳнатинг берсун десанг зар  
Ризоий ҳақ учун илм эт мұяссар.

Агар боғингда бўлса гул зебоси  
Қачон бўлғай чирогингни зиёси.

Агар ҳоли риёдин ҳоли эрмас  
Ҳақиқат ул кишини ҳоли эрмас.

Ўқур бўлсанг ўқ ур нафсинг кўзина  
Қара чин кўз билан Мусҳаф юзина.

Мұхаққақ олим улдур одил ўлса  
На күп одил югуруб жодил ўлса.

Жадалдин қымла қыл устиндадир ҳол  
Икітсанг ё йиқілсангдур забун ҳол.

Вужудинг уқбаси әрмас олоша  
Тал оша келган ғұлтурмас талоша.

Ұқурдиндур ғараз Тенгри ризоси  
На ул илмики бұлгай халқ изоси.

Ениб келгандан мәңнат шамъи эй ёр  
Ениб тутма ҳаво бодига зинхор.

Замона халқи аксар толиби қадр  
Бұлай деб садри мажлис қон қылур садр.

Ұқубдурсан агар холис маони  
Юрак қони билан асори қани.

Агар қылдинг мұяссар илм ишидин  
Аёғинг босма әгри күр кишидин.

Билиб ўз душманинг қымла анга ҳарб  
Құриб үтқа ўзинг солмоқ нечук зарб.

Мувоғиқ илмиға қылса ишини  
Дегил арбоби илм андоғ кишини.

Таварруъ шартида эй мардикори  
Керакдур албатта қориу қори.

## ҲИҚОЯТИ БАДБАХТОН

Битибдур «Жомиъи мишқот» ичинда  
Набидин сүрди бир сүргувчи банда.

Емонларнинг ёмона қайси инсон  
Жавобин бермади анга ўшал он.

Уч айғон сўнг жавобин берди они  
Ёмон олим ёмонларнинг ёмони.

Яна аиди ўшал ҳамрорзи маҳбуб  
Ки ҳубларни ҳуби ҳам олими ҳуб.

Деди пайғамбари олимға ҳодий  
Эрур дўзахда бор шиддатли водий.

Ўшал водини «Ҳуббул-Ҳузн» оти  
Риёлик қорилар жойи у водий.

Жаҳаннам кунда тўрт юз қатла андин,  
Паноҳ истар ҳудой зул маниндин.

Худовандо, йироқ этгил риёдин  
Айрма сидқу ихлос ва зиёдин.

## ТАКАББУРЛИК ОЛИМНИНГ БАЕНИ

Кел эй зоҳид қўлунгдин берма тоат  
Зиёд эт тоатинг соат-басоат.

Үётлиғ пеша қил хавфу тамаъдин  
Риёзат ила тақвоу вараъдин.

Фароғат бирла ошиқ ҳеч етарму  
Киши роҳат била ошиқ етарму.

Агар Қул хожасин жўйинда бўлса  
Етарму йўлда ошиқ банда бўлса.

Егил кам кеча турмоқдин есанг ғам  
Бўлур иш кам агар кўп тўйса ишкам.

Эгам аҳд этса «фатлабни тажадни»  
Қўярму бандалар бу жаҳду жадни.

Оғир жисминг агар бўлсин десанг соғ  
Саноч оғзин сан оч албатта камроғ.

Риёзат мевасидур мисли ёнгөг  
Агарчи зохири тош, ботини ёг.

Маишат аввали нарм охири қаҳр  
Илонни таши юмшоғдир, ичи захр.

Белингни боғлагил хизматға чун най  
Шукр түлдирса шояд қалбинга җай.

Риёзат хокига ҳар кече ур бош  
Юрак қон айласа лаъл атанур тош.

Билур оқил бу дуни сажни бадбүй  
Баланд уй истасанг нафсинг күзин ўй.

Түшаб қолин ёпіб тоат жамолин  
Қүйибсан бошинга болин вуболин

Тили нафсинг тила тоатга кам-кам  
Магар бүлгай әгилмас гарданинг ҳам.

Күзунгдин айла ғафлат уйқусин дур  
Ва лекин бүлмағил тоатға мағрур.

Агарчи бүлсанг аҳли илми зухҳод  
Такаббур қилмағил аслингни қил ёд.

Такаббур айламанг шайтон фаоли,  
Йифи-ю зоридур одамни ҳоли.

Риёзат бирла ҳам очсанг күзунгни  
Азозилдек улуғ тутма ўзунгни.

Агар ернинг юзига айласанг дарс  
Такаббур бүлмағил бүлгил худо тарс.

Сани кирган йўлунг турфа узоқдир  
Орада сони йўқ банду тузоқдир.

Ажаб йўлдир орада кўп хатар бор  
Кини билмас жабин етгайму шунқор.

Киши билмас бу уммон остида фош  
Жавоҳир пора қийматдурму ё тош.

Агар чандики гавҳар порадурсан  
Яқин бил бандасан, бечорадурсан.

Ҳамиша бандадандур зор қилмоқ  
На ҳаддур бошини юқори қилмоқ,

Тавозуълик бўлиб тутгил ўзинг кам  
Шажарким бўлса мевалик бўлур хам.

Теракким ул кўтарди юқори бош  
Самарсиз бўлди кўрдингму ани фош.

Кишиким хоки роҳдур бериёдур  
Яқин билғилки кўзга тўтиёдир.

Кетар дамда тўлай деб паст ўтар кун  
Сабо чиқса бўлур оламдин устун.

На бўлгай қатрадек қилсанг ўзунг гум  
Гуҳар бўлсанг то қилсанг тожи мардум.

Агар файз истасанг қилма такаббур  
Буюкга оқмагай баҳр ўлса ҳам пур.

Агар тутсанг тариқи Мустафони  
Ёмон куйдур такаббур куйдур они.

Оғир тутди ўзини санги хора  
Талаб бозорида кирмас шумора.

Кичик билди ўзини ҳолини дур  
Баҳосидур харидор олдида пур.

Эгармиш жазби ишқ шикаста касни,  
Йигар гирдоб аксар хору ҳасни.

Агар нафсинг ҳамиша тутмасанг кам.  
Дуруст ихлос билан бўлмағай ҳам.

## ҲИКОЯТИ АЗИЗИ

Азизе комилини жоҳили хом,  
Қабиҳа лафзи бирла берди дашном.

Тутуб соқолини ул марди хушхўй,  
Дер эрди ўз танига эй хунук рўй.

Сани расволифингни эртаю кеч,  
Ўзум айғонға бовар қилмадинг ҳеч.

Бу мўъминдин эшитиб келтур инсоф,  
Некулар аҳлиман деб урмағил лоф.

Ана инсоф, ана хулқ эй биродар  
Ўзунгни айбинга сан ёпма чодар.

Агар сан қилмасанг нафсинг шикасти  
Етар сақолинга ҳар куни дасти.

## ТАВАККУЛ БАЕНИ

Кел эй ошиқ кўнгилни айлагил бир,  
Тариқи каъбаи мақсадинга кир.

Нечук бўлгай дебон андиша қилма,  
Таваккул айла ўзга пеша қилма.

Таваккул бандани йўлдоши бўлса  
Ажаб эрмас қора тош оши бўлса.

Агар ҳиммат кишини ёри бўлса  
Ажаб йўқ жарзалар бозори бўлса.

Етар охир таваккул айлаган қул  
Таваккул қил, таваккул қил, таваккул.

Эрур бир ихтиёри жузъи сандин  
Талаб қилғонинга етқурмак ондин.

Агар тутса жудо қул хотириң фос  
Чиқар ҳар гүшайдын Хизру Иләс.

Агар биткурса мавло қул ишини,  
Қилур мушфик, күзига ҳар кишини.

Агар лутф айласа бүстон бўлур чўл,  
Олов ўртасида пайдо бўлур йўл.

Ўтарда аждар оғзин сўрса пойинг  
Зиён этмас омон этса худойинг.

Эгам «Қум» деди қумдин чиқиб част  
Муҳаббат қум қумидин қил ўзунг масти.

Бузуг ерда ётиб бўлмас ишинг бех,  
«Маконан тойибан фазхаб биавниҳ».

Агарчи бўлса санда аҳли фарзанд,  
Яратибдур аларни ҳам худованд.

Азиз жон чиқмаса қолибларидин,  
Камаймас неъмати ҳақ лабларидин.

Сановлик умридин то жон тугалмас,  
Яқин билгил оғиздин нон туганмас.

Агар дарё тубинда бўлса жойинг,  
Баҳона бирла еткургай худойинг.

Гараз ҳар қайда эй фарзанди одам,  
Саноғлик рўзи ҳаргиз тўлмағай кам.

Кишини бўлса мундоғ эътиқоди,  
Анга бўстон эрур ҳар қайси водий.

Вужудинг хору хошоки қолиндуру,  
Елинсанг ҳам ҳаво учмас ёлиндуру.

Микиб ҳиммат буроқин ҳақ болиндин  
Елин маҳкам тутиб сачрат ёлиндин.

Етибдур соли умринг эй табаҳ ҳол,  
Таваккул соли мақсуд баҳрина сол,

Кириб жон бағрина эй нафси золим  
Дема солим мани етгайму солим.

Етар етмаслигингдур ҳукми Рабда,  
Эранлар шартидур ўлмоқ талабда.

Таваккулни талаб қил одамизод  
Югургил каъбаи мақсудға чун бод.

Кириб йўлға кўриб аълому асор,  
Ўзин бир деб гумонда бўлма зинҳор.

Бу бормоқда агар бармоқ солур шер,  
Қачон қайтар таваккул айлаган эр.

Хатардин аҳли ҳиммат хира бўлмас,  
Агар эл тира тутса тийра бўлмас.

Таваккулдин кишиким олса баҳра,  
Қачон заҳра ўлур ғарқ ўлса заҳра.

Ема рўзи ғамин ҳеч ерда эй ёр,  
Ким асроринг билур ул яхши асрор.

Худоға қилса ҳар ким ҳуб таваккул,  
На ерда бўлса зойиъ қолмас ул қул.

### ҲИКОЯТИ АБДУЛЛОҲ ИБН МУБОРАҚ

Муборак ўғли бир кун азғуриб роҳ,  
Ажойиб сувсағонда кўрди бир чоҳ.

Кечурди кўнгилда то бўлди матлуб,  
Агар далву расан бўлса эди хуб.

Үшал дамда бир оқу келди сувсаб,  
Тошуб чиқти қудукни оғзига об.

Ул ичган сүнг үшал шаҳ борди чахга,  
Етар-етмасда ул сув тушти таҳга.

Деди ё Раб берурсан оқуга об,  
Манга бермассан эй султони ваҳҳоб.

Нидо келди үшал важҳи ҳасанга,  
Тилинг борди сани далву расанга.

Үшал оқуки кўрдинг чиқти ерга,  
Таваккул қилмади мандин дигарга.

Эшитиб бул нидони бўлди беҳуш,  
Ичидан Қулзуми завқ айлади жўш.

Муҳаббат жоми ҳўл қилди томоғин,  
Тирикликда унутди сувсамоғин.

Эди ул дамда эр ҳам атқиёда  
Юз онча ҳиммати бўлди зиёда.

Мане мискин таваккул бобида дод  
Тушубдур ҳимматим кун-кун забунроқ.

Ҳамиша нафси зиштим мубталоси  
Манингдек борму ҳеч мӯъмин боласи.

Илоҳо, баҳри ҳимматдин қилиб сер  
Мане хунсоға эрлар нашъасин бер.

Эрурман ақли йўқ, идроки йўқ қул  
На тамкин бор, на ҳиммат, на таваккул.

Гила ботдим гила қилмам кишидин  
Кўярман барча ўз нафсим ишидин.

Бўлубман гарқ баҳри изтироба  
Хароб ўлмиш тушуб нафси хароба.

Эрур күнглимда күп зору ниҳони  
Юзум йўқтур туриб айтурға они.

Ўзунгсан олимус-сир алҳуфтийот  
Муайяндур санга мажмуъи ҳолат.

Агар қайтармасанг ройим варадин  
Қутулмасман мунингдек можародин.

Агарчи сони йўқ бу қул гуноҳи  
Гирифтори ғазаб қилма илоҳи.

### ДАРВИШЛИК БАЁНИ

Кел эй дарвиш агар дарвиш атандинг  
Тариқи каъбаи мақсад атандинг.

Агар отинг хилофи бандаликдур  
Қиёмат кун нечук шармандаликдур.

Қуруқ от била ўтган хайф авқот  
Үётлиғ бўлма мағрури қуруқ от.

Қуруқ юрма қуруқ дашту чўлда  
Солур ногаҳ гумон этмас маҳалда.

Ўзунгдин кетма ихлос авома  
Суюнма нома келмай яхши нома.

Киши рўда кийиб гар юрса рўда  
Қачон восил бўлур дурри шуҳуда.

Сивани нафъи эканин айла исбот  
Таваккул баҳрина бот кўнгил бот.

На бўлгай кирса қўлға дурри мақсад  
Вагарна сувда юргандин нечук суд.

Кўнгил ҳақ файзина бўлсин десанг чок  
Ки аввал мартаба хулқингни қил пок.

Ема зарра ҳаром оғушта нондин  
Бўлур ҷоҳи најас бир қатра қондин.

Агар ош манҳи бўлса кўз юмуб ош  
Вагарна тонгла қорнингдин чиқар тош.

Эрур хардалча манҳи заҳри қотил  
Қилур бир қатраси хом сувни ботил.

Ҳаром оз бўлса ҳам кўпдир ёмони  
Самони бўлса ҳам билгил сам они.

Битибдур шаърада, эй лобиси далқ  
Фаройиз аъзамидур покийи халқ.

Қаю тоат ки ул марзайу рабдур  
Яқин бил қуввати луқма сабабдур.

«Кифояту шуъуби»да ҳам битилди  
Росулуллоҳ сўзидин нақл қилди.

Ариғсиз луқма бирлан қилса тоат  
Қабул эрмас ўшал қилғон ибодат.

Худони манъини нафс истагандা  
Агар бир заррасин тарқ этса бандада.

Ибодатларки бўлгай инсу жиндин  
Бу айғон бандалик афзулдур андин.

Агар тарқ этса зарра шубҳа айёр  
Деди юз хаждин ортуқ эй неку рой.

«Рисолаи Абу Лайс» ичра мазкур  
Набидин қилди нақл ул маъданни нур.

Либосида ҳаром оғушта бўлса  
Ўшал оғуштаси бир ришта бўлса.

Ўшал тун бирла ўткарган намози  
Қабул эрмас деди ул фахри рози.

Сиём ила агарчи ўтса кунлар  
Қиём ила кечурса барча тунлар.

Риёзат бирла ўткарсанг баҳр кайф  
Ариғ бўлмаса луқманг меҳнатинг хайф.

Маноҳи рангидин ишинг бўёғлиғ  
Бўёғлиғ иш иладир хайф уёғлиғ.

Фаройиз аъзамин қилғон киши тарқ  
Муҳаббат бўйини қайдин қилур дарқ.

Оting чиқти ибодат аҳли халқа  
Иғирдинг халқа шубҳа солма халқа.

Кўнулсун тан десанг зуҳд айла пеша  
Очилсун ич десанг пок ич ҳамиша.

Агар оғзингдадур болу уболи  
Дегил улдур хамим эй марди олий.

Агар манҳи эмас бўлса баидинг  
Бўлур кўп ваъдалик ийдин ваъидинг.

Агар қилса киши лима ва лима  
Гирифтор ўлмағил ранжи алима.

Таомики агар анда хатардур  
Яқин бил лаҳчай ўтдин батардир.

Агар бўлса ҳаром ул луқмаи шум  
Ани неъмат дема, де заҳри заққум.

Надур заққум әрур таъзиби саҳти  
Жаҳим остида битган бир дарахти.

Жамиъи заҳар ҳаргиз бўлмас андоғ  
Егани қорни қайнардур қозондоғ.

Илоҳо кўнглимизни бегумон эт  
Ўшал шармандаликлардин омон эт.

## Х И К О Я Т

Эшитгил Аҳмад Ҳанбални бир явм  
Деди бир бева зан эй ходийи қавм.

Чироғим йўқтур асло эй улуг нарх  
Ўгуурур эрдим, ой борида чарх.

Фуру кетти жаҳон айвонидин моҳ  
Халифа ўтти машъал бирла ногоҳ.

Ани равшанлиғида чусту чолок  
Ўгурдим бир-ики чархимни эй пок.

Манга ул риштам эй қутби замона  
Жавоб айгил ҳалол ўлгайму яна,

Имом аиди бу гафлат оламинда  
Нечук зансан мунингдек дин ғаминда.

Заифа аиди эй мақбули вофий  
Манинг ҳамзодим эрди Башри Жофи.

Эшитти башар отин кўздин тўкиб об  
Деди сизга рано йўқ эй дурри ноб.

Анингдек мардни туфроғи эй меҳ  
Бизингдек юз минг әрни қонидин бех.

Дариғо, эр отин булғаб юрибмиз  
Амоми бир абас чулғаб юрибмиз.

Лачак ортуқ бизинг дасторимиздин  
Эранлар ор этар кирдоримиздин.

Ҳавас бозорида эй майли кўп нафс  
Емак бирла қилибсан гарданинг ғафс.

Санга суд айламас бу жисму раминг  
Қилиб шар минг келмасму шарминг.

Бўлуб шармандалик дарёсиға гарқ  
Ямону яхшини фарқ этмаган фарқ.

### ЗОҲИД СУЧУК ТИЛЛИК БЎЛМОҚНИ БАЕНИ

Кел эй зоҳид ўзингни айлағил хок,  
Ҳарому шубҳадин кўнгилни қил пок.

Очуқ қўллик, кушода юзли бўлғил,  
Мурувватлик, мулойим сўзли бўлғил.

Бу хислатлар мувофиқ бўлса сенда,  
Умид улким худойим деса банда.

Мусулмон ўғлида бўлса сучук тил  
Олиб келса бўлур бир қил била фил.

Сучук лафзи билан мёри хирадманд  
Солур зўр аждаҳони оғзиға банд.

Сучук тил бўлса қайси муҳтарамға  
Солур кўқдакини зеру қадамға.

Мулойим тил билан беҳарбу безарб,  
Бировни келтиурлар шарқдин гарб.

Эранлар олмайин бир игна қўлға  
Солурлар неча гумроҳларни йўлға.

Сучук тилдир ажаб ганжи муаззам  
Ато қилғой билан ҳеч бўлмағай кам.

Дема ҳарфики бўлса бемаъни  
Агар тил заҳарлик бўлса тил ани.

Калиди ганж маониким забондур  
Анга бир нуқта кўп бўлса зиёндур.

Қилур қаттиқ такаллум ўнг ишинг чап  
Сўзинг тиклаб кўнгил бузгунча тик лаб.

Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз  
Ани сўз демагил мажлиси афруз.

Агар тутсанг улуғларни ишини  
Набот эт тил на бот оғрит кишини.

Совуғ айғунча эй халқи замона  
Забона хавфидин хавф эт забона.

Чу Нуъмон муҳрида бул эрди мактуб:  
«Қул ал-хойра ва илла фа сукут», эй хуб.

Совуғ сўздин бўлур иймон қоронғу  
Заардин ўзга йўқтур нафъи борму.

Бахри жой тилингни сақла зинҳор,  
Киши тилни ёмонидин бўлур хор.

Ёмон тил гоҳ сарғартиур юзингни,  
Тубан бошингни, телмуртар кўзингни.

Ёмон тил икки оламда заардур  
Гаҳи исён, гаҳи хавфу хатардур.

Ёмон тил шумлиғи ки, жонга ургай,  
Гаҳи жондин ўтиб иймонға ургай.

Мусулмон ўғлиға яхши қилиқ қил,  
Тилингни хуш, чеҳрангни йилиқ қил.

Оғиздин соч еринда дурри маъни,  
Агар бўлмаса хомуш айла яъни.

Агар бўлмаса санда сўзга етмак  
На давлатдур сукут этмак, эшитмак.

Эшит аммо қаю сўз бўлса беҳроқ  
Қулоғинга ани ҳалқа қилиб тоқ.

Қулоқ, кўздин, қўлингдин, поларингдин,  
Сўрар тонгла тамом аъзоларингдин.

Эшитмак нафъи йўқ сўз эй неку зот,  
Ани ҳам гўша олма гўша чиқ ёт.

Қулок солма vale бемаъни сўзга,  
Эшитсанг қўб у ердин ўзга ерга.

Киши санчиқ сўз айтса сан чиқ андин  
Ямондин қоч, ямондин қоч, ямондин.

### ҲИКОЯТИ ҲАЗРАТИ ЛУҚМОН

Насиҳат қилди фарзандига Луқмон  
Санга жоҳил киши баҳс этса эй жон.

Жавоб айғил анга ширину юмшоғ,  
Магар бўлғай жаҳолат хамридин соғ.

Агар нафъ этмаса қилма иъода  
Бўлур айғон сари жаҳли зиёда.

Анга суд этмаса айтмоқ савоби,  
Сукут этмакдур андин сўнг жавоби.

### ИККИ МЎЃМИН БИР-БИРИГА ХАЙР ҚИЛМОҚИНИ БАЁНИ

Кел эй мўѓмин ҳамиша ҳуш инон бўл,  
Мусулмон бўлса ҳар ким меҳрибон бўл.

Очилиғайсан они кўрганда гулдек,  
Тавозуъ айла хизматкор қулдек.

Сариф ёғдек анга бўлғил мулоим,  
Сучуқликни асалдек айла доим.

Тут ул дўстунгга сут устида қаймоқ,  
Азиз жонингча кўргил, балки беҳроқ.

Худони буйруғидин тойса ногох,  
Биродарлик ўшалдур қилсанг огоҳ.

Биродар жисмига жондек югурсанг,  
Талаттуф бирла ул йўлдин ўгурсанг.

Агар чандики қилсанг меҳрибонлиғ,  
Сани айғон сўзунг билса ёмонлиғ.

Тилинг заҳми била қилғил жароҳат,  
Уёлиб шояд этгай истибоат.

Агар тил заҳми анга қилмаса кор,  
Қўлунгдин келса қилғил зарб начор.

Буларни барчасидур меҳрибонлиғ,  
Тараҳҳумдур анга эрмас ёмонлиғ.

Бу саъй этган била ҳеч бўлмаса туз,  
Кўрарда ошнолиғ риштасин уз.

Вале ботинда шоғил бўл дуога,  
Ани аҳволини солғил худога.

Кишиким бўлса мўъминликда мавсуф,  
Эрур вожиб у қулға амри маъруф.

Кўзи йўқ мўъмине борур эди роҳ,  
Назар қилдинг ани олдиадур чоҳ.

Хабардор этмасанг улдур хиёнат,  
Қаю инсоф эрур, қайси диёнат.

Фигон-у дод ўшал бино қулидин,  
Агар қайтармаса дўзах йўлидин.

Киши ёпса қудуг оғзига чодар,  
Нечук дерсан анингдекни биродар.

Ва лекин амри маъруф айлаган мард  
Ўзи бўлгай амаллиғ соҳиби дард.

Агар омир әмас росих ишига  
Қачон таъсир этар ўзга кишига.

Агар олдингда тифле бўлса ногоҳ,  
Ёнар ўтга тушарни билсанг огоҳ.

Узатмас бўлсанг анда дasti алтоф  
Нечук бўлгай мусулмонлиғда инсоф.

Бизингдек шарми йўқ, инсофи йўқ жисм,  
Бошида мағзи йўқ маъни қуруқ исм.

Ишимиздур риёу хийла тазвир  
Қилур айғон сўзимиз кимга гаъсир.

## КЎЗНИ ХАРОМДИН ЮММОҚНИ ВАЁНИ

Кел эй мўъмин агар тарсанда бўлсанг  
Кўзингни сақлагил ҳар қайдада бўлсанг.

Қўйи бўлсин ҳамиша нуқтаи чашм  
Мабодо бўлмағай боло тушуб ҳашм.

Назар қилғунча бад эй нағси маъюб  
Тушуб кўз нуқтаси кўр бўлғани хуб.

Саодатдур назар бўлса қадамда  
Тажовуз айлагач бўлса надамда.

Агар қон чашма бўлса чашма эй меҳ  
Хатарлик ерга тушгандин эрур беҳ.

На хушдур дийдаи тарсанда бўлсанг  
Вагарна косасидин канда бўлсанг.

Хатардин юм кўзунг ўғлон хифа  
Нечукким юмди қўрқиб Бу Ханифа.

Юраким соф эрур деб урмагил лоф  
Аларча бўлмағайсан келтур инсоф.

Қароринг қўймасанг элтиб қароринг  
Олур шайтон зимоми ихтиёргинг.

Бақосиз маъсиятларга бақосиз  
Нечук ўз жонингизга ўт ёқасиз.

Баногоҳ номаҳрам тушса кўзга  
Иккинчи боқмагил зинҳор у юзга.

Иккинчи чунки шаҳватдин хатардур  
«Ниҳоя» ким китоби мӯътабардур.

Деди ким боқса номаҳрам юзина  
Қуярлар тонгла қўргошин кўзина.

Битибдур шаръида ул соҳиби базл  
Кишиким қилса номаҳрам била ҳазл.

Ани ҳар бир сўзига эй хирадманд  
Бўлур дўзахда то минг йилгача банд.

Агар ул аттизам истаса харома  
Яна ул нусхада битилди хома.

Қиёмат кун дардгир этарлар  
Ани шайтон била занжир этарлар.

Лаъин шайтонки бўлғай душмани шайх  
Анинг бирла бўлур мадхули дўзах.

«Хулосай хизана шархи аврод»  
Битибдур балки чиндур нусхада ёд.

Жувон хотунки номаҳрам эмишдур,  
Салом этмак анга мамнұй демишдур.

Бериб бўлмас жавоб этса саломи  
Эрур аврат анинг савти каломи.

Жувон хотунки аврат бўлса овоз  
Қабоҳатдур кишиким бўлса дамсоз.

Гараз эй одами сақла ўзунгни,  
Ки номаҳрам сари солма кўзунгни.

Ки номаҳрам сари боқғунча бекил  
На улким қўзларига тортсалар мил.

Бу дунё майли ўтгай бир замонда  
Қиёмат майлидин тутгай амонда.

Қиёмат кун ажаб ҳиддатли кундур,  
Гуноҳкор одам ўғли сарнигундур.

Қизар кўб фарқи сар исифда чун тос  
Бўлур саргашталар парвонадек нос.

Тегар ўтдек аёғ остида туфроғ,  
Бўлур юндеқ замин устидаги тоғ.

Бўлур кўп халқ ўзининг жонидин сиир  
Бу ғамдин токи гўдаклар бўлур пир.

Ешурмоқ бўлса қайси рўсиёлик  
Илик сўзлаб аёқ бергай гувоҳлик.

Тамом аъзолари даъво қилурлар  
Халойик олдида расво қилурлар.

У кун даъвосини ҳеч дафъи бўлмас  
Пушаймон бўлгай, аммо нафъи бўлмас.

Анингдек воқиалардин бурунроғ  
Ўзингни айла ғафлат хамридин соғ.

Пушаймон бўлсанг ул қилмишларингдин  
Дилу жон бирла ёнсанг ишларингдин.

На бўлғайким қабул этса худойим  
Қабоҳат шиддатин қилса мўлойим.

Қаю қулни худойим қылса мамнун  
Бүлур йўлбошчиси пайғамбар ул кун.

Бошида соя бўлгай Арши аъзам  
Фаришталар кўнгил бергай дамо-дам.

Иноятномасин қўлга олурлар  
У кунни ўтганин билмай қолурлар.

Илоҳи, айла мухлислар билан ёд  
Бу қулни айлагил ул кундин озод.

### ХИКОЯТИ ШАЙХ БАСТОМИ

Қариғон палласида шайх Бастом  
Ўзидин соате кетти бир оқшом.

Ўзига келди эрса айди асхоб  
Нагу бўлди мунингдек эй дурри ноб.

Деди болиғ бўлур ҳолатда бир роҳ  
Кўзумга бир жамила тушти ногоҳ.

Яниб бори дигар солдим нигоҳим  
Чиқиб эрди эсимдин ул гуноҳим,

Эсимга тушди ҳоло ул назора  
Юрагим бўлди қўрқиб пора-пора.

Муборак оғзидин кўп томди қони  
Ўшал хавф ила охир чиқти жони.

Мунингдек йигласа андоқ неку рой  
Бизингдек рўсиёни ҳолиғавой.

Ҳамиша завқимиз айшу қулушга  
Етушмас эрта қилғон товба тушга.

Ўтар дунё ишин тутдик муқаддам  
Гуноҳ айнуқса кўп қўрқинчимиз кам.

Худовандо, ўзунгсан олами тайб  
Мане мискиндадур ҳеч сони йўқ айб.

Гуноҳи бениҳоят бандадурман  
Бўлуб шар манда чун шармандадурман.

Абас бирла қўлумдин кетса вактим  
Амал маҳрин ёшурди абр мақтим.

Жаримам беадад бўлса агар чанд  
Хижоби мағфират ёп эй худованд.

Ювуб раҳмат билан важҳим қорасин  
Насиб эт барча неъматлар сарасин.

### ХУДОНИ НЕЪМАТЛАРИҒА ФИҚР АЙЛАМОҚНИ БАЁНИ

Кел эй озода воқиф бўл кўнгилға  
Кўнгил йўлбошчикур қурбатли йўлға.

Тафаккурни қушин ҳеч қилма ғофил  
Палағда бўлмағай то байзаи дил.

Тафаккур мурғи доим бўлса дамсоз  
Умид улдурки андин учса шаҳбоз.

Анингдек боз әлига айласанг кайд  
Кўнгил қушларини қилса бўлур сайд.

Кўнгил харқи салоҳиятда бўлса  
Топар банда қаю ниятда бўлса.

Ҳама аъзо раиятдур кўнгил шоҳ  
Амонлиғ бўлғуси шоҳ адлидин роҳ.

Агар султон ўзи қилса ёмонлиғ  
Қачон бўлғай раиятда амонлиғ.

Күнгил жүш этмаса күз бўлмагай нам  
Чиқарму сув қудуқقا тошмаса ҳам.

Эшитгансан ани дилдур назаргоҳ  
Назаргоҳдур күнгил бир бўлса ҳар гоҳ.

Югурса ул кўнгил ким ҳар тарафга  
Қачон лойик бўлур мундоғ шарафга.

Кўнгил дарсини дерлар хуш сабақдур  
Тамоми маърифатда ишқ ҳақдур.

Кўнгил дарсин савол этдим бир эрдин  
Талаттуфдин деди сўрма бу ердин.

Била олманг бу шарбат тотмағунча  
Ўзунгни яхшиларга қотмағунча.

Агар Ани унутса банда оне,  
Тирик эрмас агарчи бўлса жони.

Кўнгил бурчинда ғафлат олати пур  
Давом улдур давом этсам тазаккур.

Ўшал дамни надам дер аҳли маъни  
Оғиздин чиқса ғафлат бирла яъни.

Кўнгил анда ҳамиша қил ҳамиша  
Қачон бўлғай мунингдек яхши пеша.

## БАНДАИ МҮЙМИН ИШҚДА ҲАРИС БЎЛМОҚНИ БАЁНИ

Кел эй содик ҳариси ишқи ҳақ бўл,  
Кўнгил ёрони бирла ҳамсабақ бўл.

Агар кезсанг тариқи маърифатни  
Мўяскар айласанг турлук сифатни.

Мақомати ҳақиқат айладинг тай  
Күнгилда бўлмаса жузъ ҳиллати ҳай.

Бурунгидин зиёда дур талаб бўл  
Агар дарёлар ичсанг ҳушклаб бўл.

Бу йўлни чунки ҳеч поёни йўқтур  
Агар етдим десанг имкони йўқтири.

Дегил ҳар лаҳзада «Аллоҳумма зудни»  
Деди ҳақ чунки «фатлабни тажудни».

Набидин йўқ кишини қурби боло  
Ани аиди ҳабибим Ҳақ Таоло.

Анга ҳам аиди Ҳақ «қул робби зудни»  
Қўярму ўзгалар бу жаҳду жудни...

Сучук жон шарбати ё бўлса лабда,  
Керак ким бандаси бўлса талабда.

Белингни қуввати борда олиб бел,  
Кўнгил боғин сугор келмай туриб сел.

Етар йўл юргали ҳолоки холинг,  
Юра кўр бир куни кетгай мажолинг.

Эмаклар қуввати ҳам кетса қўлдин  
Ўзунгни судра ҳаргиз қолма йўлдин.

Кўзунг ҳам бўлмаса бўлсун кўнгилда  
Бу матлаб бирла жон чиқса бу йўлда.

Етушмас судролурға ҳам мажолинг  
Кўзунг тик йўлга то етгунча ҳолинг.

Агар мундоғ талабда чиқса жонинг  
Уланса боқиға бу жисми фонинг.

Умид улдур худойим деса банда  
Тилаган мақсадингни берса анда.

## УМРНИНГ ФОНИЛИГИНИ БАӘНИ

Кел эй мүъмин яқин билдинг кетарни  
Хисоби умр бесомон ўтарни.

Ўтар дунё учун бўлма гирифтор  
Ўлумса йиғмагил монанди гуфтор.

Агар дунёга хирсинг бўлса фажсан  
Нажосат йиғмагинда калхамажсан.

Эсиз умринг нажас йиғмоқ раҳинда  
Қолурсан бир кун охир ер таҳинда.

Ўрамчидек ҳамиша тор этарсан.  
Қаноатсизлигинг изҳор этарсан.

Қилурсан риштаи жонинг билан кайд  
Магас ҳам мўрни қилмоқ учун сайд.

Супурса соҳиби хона баяк бор  
Ўрамчи ҳам кетар, ҳам сайд, ҳам тор.

Қолубсан танга деб аҳволи танга  
Машаққатлар бошингда рангга рангга.

Югурма жифа кўп йиғмоққа йил, ой  
Бўлай деб бой бисотинг бермагил бой.

Яқин билгил муни эй соҳиби ҳол  
Ҳарис эрмас зиёда этган била мол.

Ҳарис улдур агар дунёи фоний  
Йигай деса муҳаббат бирла они.

Агар бўлса кишида мол саҳли  
Кўнгил берса бўлур дунёни аҳли.

Бисотинда бир арпа қурси бўлса  
Ани дун аҳли дер гар ҳарси бўлса.

Агар ҳар қўлда юз хурвori зардур  
Агар бўлмаса меҳри безараардур.

Агар минг тилло кўза тушса кўза  
Қачон давлат билур аҳли дил ўза.

Қаю дур меҳри йўқ эрни нишони  
Буюргон ерига сарф этса они.

Деса меҳрим йўқ аммо тутса маҳкам  
Эрур ёлғончи ул фарзанди одам.

Киши молин ки беэҳсон емасдур  
Худони фазлидур дунё эмасдур.

Дема дунё чироғи охиратдур  
Худойимдин нишони мағфиратдур.

Бизоат бўлса ҳам кам айла инфоқ  
Юзумдур барг кам зардин сучукроқ.

Керак аҳли карам хулқ этгали жамъ  
Ўзини дамо-дам кам қилса чун шамъ.

Кишини эътиқоди бўлса солим,  
Демас гўру кафанликдур бу молим.

Не ғам иймонли қулни ўлганида  
Танида бўлмаса уч газ танида.

Саломат бўлса иймони билан кас  
Агар ори кўмулса ори бўлмас.

Карамлик бандаси гар бўлса чўлда  
Ичар ер бўлмаса бир зарра қўлда.

Қўпуб ўлтургали қолмай мажоли  
Ҳалокат палласига етса ҳоли.

Агар кўз ёшича сув топса анда  
Қилур ярмини эҳсон яхши банда.

Топилса луқмаи жону жигардин  
Дариг этмас ани ёру дигардин.

Каримлик баңдаға ёлғиз еган ош  
Билур хок оғзида балки билур тош.

Қаро сув иссалар икки биродар  
Қўрар шарбатча балки оби Қавсар.

Ики ҳамдил еса луқмаи нондин  
Сучук билгай асалдин балки жондин.

Киши нондек қилур эҳсонда хўйин  
Олур танур ичинда обирўйин.

Қизил юзлик бўлиб чиқғон замони  
Тушар ҳалқ оғзига эҳсони они.

Кулуб меҳмон қошига чиқса ул қул  
Шажарким мевалик бўлса қилур гул.

Агар эҳсон этар бўлсанг эшит ҳарф  
Ани ҳам ўз жойига қилмоқ керак сарф.

Билиб бер жойига қадди йаминни  
Зироат айлама шўра заминни.

Ёмон ерга ани сарф этма бори  
Бўрини йирторига берма йори.

## НАФСИ ШУМНИ БАЁНИ

Кел эй кас, бўлма акнун тобиъи нафс  
Солур ахшом сабо бу гардани ғафс.

Ҳама тоатларинг ҳубию софи  
Яқин билгил эрур нафсинг хилофи.

Құяр кажликка доим нафси бадюз  
Қачон ұт туз ёнар ёлбарсанг үттүз.

Әрүр нафсинг думоғи турфа еллик  
Қачон әллик қылур ёлбарсанг әллик.

Үзинг паст айласанг нафсинг забардаст  
Бошиңг чайнаб солур, чун ошар масть.

Бурунға боди кибр әсмай бурундин  
Бурундуқ сол анга құймай бурундин.

Риёзат бандига беркіт аёғин  
Құтарма бошидин тақво таёғин.

Ииқилиб қолмағудек бер емишни  
Зиёда айла кам-кам қаттығ ишни,

Құюб андозаи ҳолича юқни,  
Ибодат йүлиға күндур бу лукни.

Бу меңнат бирла ул аммораи дун,  
На бүлгай мутмаина бүлса бир кун.

Семиз күп қылма бу туллак итингни,  
Құтуриб ёрмағай токи бетингни.

Иilonни асрординг неча йил они,  
Улуғ бүлған сари үсди зиёни.

Үтубдур құл билан бүйнин тутардин,  
Хатардур куч қилиб боссанг ютардин.

Етибдур құйғали күксинг юзина  
Кима дерсан үзинг қылдинг үзинга.

Улоқиб ҳали ҳам тутма үзинг суст  
Белингга боғла җиммат футасин руст.

Таваккул сайфини сидқ илгина ол  
Қил ични холис андин сүңг қилич сол.

Таажжуб билма фазли бебаҳодин  
Халос этса мунингдек аждаҳодин.

Ғараз мундоғ адувни қилма фарбек  
Агар келса қўлунгдин қатъи сар бек.

Семурса нафс агар ичмак-емакдин  
Юз онча эт олур яхши демакдин.

Яна юқори ўтмакдин берур баҳр  
Бу нафси жоҳила дунёйи бадқаҳр.

Ўтибман деб ўтарда бўлмагил шод  
Ўтунг дейдур ўтунг олғай бу жаллод.

Киши билса ризо шаҳдини завқин  
Билур билдек мажолис тахту фавқин.

Туар ӯз ҳолида бисёру камда  
Юрушин бузмағай ҳеч шоду ғамда.

Киши кўрса худодин жузъу кулни  
Билур ул хайрият иззату зулни.

Эрур холо ки товба боби мафтуҳ  
Емон нафсингни қилгил тобиъ руҳ.

Агар нафсинг сани етмиш бошингдин  
На бўлғай фойда етмиш ёшингдин.

Агар нафсинг муродин изламаксан,  
Агар саксанга умринг етса саксан.

Азал кундин агарчи хавфи йўқсан,  
Агар тўқсонға кирсанг кўнгли тўқсан.

Азалдин қилса кимни кўнглини реш  
Дегай ўн беш ёшин кўп балки ўн беш.

## БАНДА АХДДА ТУРМОҚНИ ВАЁНИ

Кел эй содиқ ки қилдинг сидқ лофин,  
Үланча қилмагил ваъда хилофин.

Хилоф этган забунлардин забундир  
Бу дунёу у дунё сар нигундир.

Халойик олдида кўтоҳ забондур  
Худо даргоҳинда андин ёмондур.

Хилоф этсанг агар айғон сўзингдин  
Кўтар эркаклик отини ўзингдин.

Дадак қийғочи дасторингдин ортуқ,  
Сани йўқ бўлғанинг борингдин ортуқ.

Чиқармағил оғиздан қилмас ишни,  
Килурман дема қўлдин келмас ишни.

Оғиздин чиқса сўз қайтармағил қош,  
Агарчи кетса ҳам ул сўз учун бош.

Керак эрман деганини ваъдаси туз,  
Агар туз бўлмаса андин кўнгил уз.

Яқин билгилки тузлиқдин асони  
Эранлар олдилар ўнг қўлга они.

Хусусан туз керак эл эътимоди  
Бўлурми әгри ҳеч масжид иъмоди.

Сўзин бузғон киши бузмасми иймон  
Ўлумса бирла қилма аҳду паймон.

Сўзин бузғон кишини яхши эрлар  
Қусиб қайта ани ичғанча дерлар.

Қаю тоийиб киши ичгай қайдидин  
Тириксан қолмагил аҳдинг пайдидин.

Мабодо узсанг ақволинг уқудин,  
Түқулуб қолмагай йиғған нуқудин.

### Х И К О Я Т

Сайду Саъд қилди аҳди ёри  
Сафар бўлди аларни ихтиёри.

Дилу жондек әди ул икки огоҳ  
Қазодин оқдилар дарёга ногоҳ.

Бирисин тутди малахи ўшал ҳол  
Деди қўйгил мани ёрим қўлин ол.

Муни қўйди ани чун тутди мазбут  
Бу ҳам аиди мани қўйгил ани тут.

Тамошо қил алардин аҳд ёри  
Ана қавли дуруст эрларни ҳоли.

### МАВЪИЗА

Кел эй тан бўл ҳамиша илтижода  
Давомул умр бўл хавфу рижода.

Кўтарма ҳеч рижову хавфидин раъс  
Яқин бил куфрдур ҳам амну, ҳам яъс.

Сани олдингдадур пайдо ики йўл,  
Бири ўнг қўл сори борғон, бири сўл.

Киши билмас қиёмат даштида оҳ  
Кетар banda ики йўлдин қаю роҳ.

Агар сонсиз ато қилса худойинг  
Биҳишти адн эшигин сурса пойинг.

Кариш йўл қолса жаннат этгали тавф,  
Бурунғидин зиёда айлагил хавф.

Наъувзу биллаҳ ул борғон йўлунгдин,  
Агар қайтарса не келгай қўлунгдин.

Агар дўзах лабинда бўлса пойинг.  
Умид узма ки ғоғирдур худойинг.

Ажаб эрмас агар қайтарса андин  
Насиб этса беҳишти жовидондин.

Агар устингдаги етти табақни  
Кезиб дарс айласанг етмиш сабақни.

Малойикдек агар паррандадурсан  
Яқин билгил ки охир бандадурсан.

Сани отингу зотинг банда бўлса  
Нечук хавф айламас жон танда бўлса.

Эрур қулни иши қўрқинч зори  
Қабул этмак әгамни ихтиёри.

Агар афв этмаса бечорадурсан  
Қаю йўл деса онда борадурсан.

## ҲИКОЯТИ ҲАЗРАТ РОСУЛ АКРОМ СОЛЛАЛЛАХУ АЛАИХИ ВАСАЛЛАМ

Муҳаммадким шаҳи дунёу диндур,  
Сифоти раҳмати лил оламиндур,

Замину осмоннинг халқу хайли  
Яратилди бас ул эрнинг туфайли.

Ўқурда бир куни Тангри китобин  
Ўқуди анда дўзахни азобин.

Ул оят ваҳмидин кетти ўзидин  
Икқилди ерга ул дамда юзидин.

Саҳоба ҳар қаю бир ҳоли бўлди  
Замину осмон дари нола бўлди.

Замондин сўнг кўзини айлади боз  
Саҳоба айдилар эй муҳтарам роз.

Сани халқ афзали қилди худойинг  
Муҳайё бўлса жаннат ичра жойинг.

Сифотинг раҳмати лил оламидир,  
Худодан мунча қўрқинчинг надиндор.

Деди гарчи Росули жузъу куллман  
Нечук хавф айламай зероки қулман.

Агар юз минг башорат бўлса ёри  
Керак қулдин ўшанча хавфу зори.

Кишининг исми зоти бўлса бандা  
Бўлурму форигийат қул деганда.

### ХУДОНИ РАҲМАТИДИН УМИДВОР БЎЛМОҚ БАЁНИ

Кел эй тан бермагил вақтингни қўлдин  
Югур дарёи раҳматга бу чўлдин.

Гуноҳим кўп эрур деб бўлма маъюс  
Ажаб эрмас агар афв этса Қуддус.

Дилу жон бирла товба қилсанг эй ёр  
Магар афв айлагай донойи асрор.

Агар лутф айласа Саттори олам  
Битар бир лаҳзада кори ду олам.

Абасдин эмди йиғ лаб титра йиғлаб  
Тила жону дилингдин раҳмати Рағ.

Ҳавони паст этар ашкинг нужуми  
Қавокибдур шайотиннинг ружуми.

Юрак ёғин кетар бўлсун десанг боз  
Қилур кўз ёғини ич ёғини оз.

На давлатдур келуб айбинга шарминг  
Дили гарминг айрилса гар минг.

Худони хавфидин бир қатраи ашқ  
Азозил олдида чандон бўлур рашқ.

Саодатлик киши еб доимо ғам  
Кўзин Ҳақ хавфи бирла қилса шабнам.

Ғараз узма умид эй толиби роҳ  
Деди «ла тақнату мин роҳматуллоҳ».

Ўтулмас журму ширк эй марди солик  
Ўтар лутф айласа «ма дуни залиқ».

## ҲИКОЯТ

Кел эй банда ўзунгни сол худоға,  
Қазога рози бўл, сабр эт балоға.

Яқин бил банда бўлсанг асли исминг  
Худони мулки бўлса жону жисминг.

Анингдур молу мулк ҳар на бори  
Нечук қилса ўзини ихтиёри.

Бўйин сунғил нечукким қилса фармон  
Бўлурму бандада ҳужжату дармон.

Кишиким бўлмаса рози қазоға  
Агар сабр этмаса келган балоға.

Агар шукр этмаса Ҳақ неъматига  
Қачон лойик бўлур бандада отига.

Худога ҳар ишинг қилсанг ҳавола  
Бўлур жаннат бу ўлтурғон қавола.

Кўнгилда қолмағай дунё ғамидин  
Олурсан баҳра ҳар ўтган дамингдин.

Қаю қулға мұяссар бўлса бу ҳол  
Агар оғу ичар билгай ани бол.

Худони ганжидин бўлса бу яхши,  
Ризо жў қил ани кўрмасму яхши.

## ҲИКОЯТ

Ғуломи олди Абдуллоҳ Ансор,  
Деди: эй қул, отингни айла изҳор.

Деди: эй хўжа, сан қўйсанг қаю от,  
Манинг отим ўшалдур эй неку зот.

Деди: эй қул, суюрсан қайси ҳўрок,  
Деди: сандин не тегса беҳдур эй пок.

Деди: қайси ўлур кўнглунга марғуб,  
Деди: сан қайсими берсанг ўшал хуб.

Деди: эй қул надур ҳам касбу коринг,  
Деди: ҳар қайси бўлса ихтиёринг.

Деди: бори қилурсан қай ҳунардин  
Оқузди у қул ашқин чашми тардин.

Деди: эй яхшиларнинг шаҳриёри  
Бўлурму қул дегани ихтиёри.

Агар амр айласанг ҳар қайси юзга  
Надур чорам бўйинсунмақдин ўзга.

Эшитди хожа ул қулни сўзини  
Иккилди ерга ҳам урди ўзини.

Яқосин чок этиб дер эди анда  
Эй Абдуллоҳ ки кўрдинг феъли бандা.

Ўзунгни сол худоға жузъи кулдин  
Тариқи бандалик ўрган бу қулдин.

### МЎЛЬМИН КЕРАККИМ ҲЕЧ МЎЛЬМИННИ ҲАҚИР КҮРМАСА

Кел эй нозир мусулмон бўлса ҳар ёр  
Назар қилма ҳақорат бирла зинҳор.

Фақирни билма кам дунё әлидин  
Ҳадиси келди пайғамбар тилидин.

Деди: «Ал-фақру фахри», яъни ул шоҳ  
Нечук ортуқ кўрарсан ҳашмату жоҳ.

Амалдур яхши қулларнинг камоли  
Вараъдур ҳашмату жоҳу жалоли.

Эмас дунёси бўлғон бирла маҳбуб  
Хисоби охират кам бўлғони хуб.

Агар беҳ бўлса бўлғон бирла моли  
Ки Қорун бўлғай эрди аҳли ҳоли.

Қувонди неча кун дунё уйига  
Юборди моли бирла ер қуйига.

Агар дунёси йўқдин бўлса эр хор  
Муҳаммадга Билол бўлмас эди ёр.

Муҳаммадким, набиларга эди тож,  
Ато қилди худо ул кеча меърож.

Мақоми сидрага етти у банда  
Билол наълини савти келди анда.

Балойи фақоға сабр этган инсон  
Диёнат мулкидадур марди майдон.

Агар чандики бўлсанг бебизоат  
Сулаймонсан, агар қилсанг қаноат.

Қаноатдур кўнгилларни сафоси  
Қаноат барча иллатни давоси.

Қаноатким табиби ҳар касалдур  
Қаноат ахлига оғу асалдур.

Бировни ҳукми етса шарқдин гарб  
Бировнинг қошига мўре қилур ҳарб.

Ажал жаллоди кўксин айлагай чок  
Қилур ҳар иккисин ердек қаро хок.

Бировни нуқраи тиллоси мул-мул  
Биров кўргани йўқ умрида бир пул.

Муни муфлис дема, тонгла ани бой  
Бўлур ҳар қайсиға зери лаҳад жой.

Биров ўткарди умрин аиш ила фоп  
Биров тотгани йўқ оғзи тўла ош.

Ажал жон аччиғин кўрсатса андак  
Бўлур ҳар иккаласи кўрмагандек.

Бировда бўлса доим меҳнату дард  
Бировнинг кулфати бўлмаса бир гард.

Алар бўлса ўлумнинг мубталоси  
Бўлур ҳеч кўрмагандек иккалоси.

Гараз, ҳар қайда, эй фарзанди одам  
Ема ҳаргиз ўтар дунё учун ғам.

### ХИЁНАТДИН ИИРОҚ БЎЛМОҚНИ БАЁНИ

Кел эй комил камол этсанг диёнат  
Кишига қилмагил ҳаргиз хиёнат.

Хиёнат ким қилур қўлдину кўздин  
Аёғдин узви пинҳондину сўздин.

Муни билгай жамиъ одамизод  
Эмас ҳожат ки бир-бир айласам ёд.

Хиёнатким эрур пайдо кўнгилдин  
Муни англа диёнат берма қўлдин.

На ким тушса кўнгилга ё кўзинга  
Раво кўрмасанг ул ишни ўзинга.

Қаю ишга ризо бўлсанг кўнгилда  
Агарчи қилмасанг бўлсанг у йўлда.

Эрур исён ризои чунки исён  
Ризои куфрдир куфр эй мусулмон.

Мусулмон ўғлини кўрсанг кўзингдек  
Заарда, нафъда билсанг ўзингдек.

Қаю қулни муниингдек бўлса ҳоли  
Будур бешак мусулмонлиғ камоли.

Агар чандики бўлса шубҳаи кам  
Раво курсанг ани ўз нафсинга ҳам.

Раво кўрма мусулмонига зинҳор  
Агар берсанг баногох айла изҳор.

Хусусан бермагил тақволик эрга  
Магилон сочмагил райҳонли ерга.

Тақийнинг кўнглидур дорус сиёнат  
Сиёнат хонага қилма хиёнат.

Агар топилса неъмат олдида соч  
Вале бўлмаса оғзинг узр учун оч.

Агар минг халта берсанг хилти кўп зар  
Санга андин нечук суд эй биродар.

Агар берсанг ариғдин қатраи об  
Эрур чандон савоб эй гавҳари ноб.

Кишига берса ким моли ҳароми  
Умид этса савоб ул марди оми.

Бўлур кофир умид этган ул инсон  
Билиб олиб дуо қилғон ҳам ул он.

Хиёнатнинг бари ҳам бўлди мавсуз  
Билиб қилмаса ҳар ким амри маъруф.

Вагар наҳи этмаса мункир ишини  
Хиёнатлик дегил андоғ кишини.

Биров йўл билмайин юзланса чўлга.  
Билиб гар солмасанг сан яхши йўлга.

Қаю инсоф эрур, қайси диёнат  
Эрур андоғ улуг бухлу хиёнат.

Агар олдингда тифли бўлса ногоҳ  
Ёнар ўтга тушарин билсанг огоҳ.

Узатмас бўлсанг анга дасту алтоф  
Нечук бўлгай мусулмонлигда инсоф.

Жамиъи бандаи мўъмин саросар  
Эрурмиз бир-биrimizga биродар.

Биров чиқса тариқи охиратдин  
Ўгурса юз мақоми мағфиратдин.

Агар кўрсатмаса йўл кўрган инсон  
Бахиллик мундин ўтмас эй мусулмон.

Сан айғон сўнг туз бўлмаса ҳоли  
Ўзининг бўйнига бўлгай уболи.

Очибдурсан биродарликни бобин  
Топибсан амри маъруфни савобин.

Агар келмаса қўлдин ё тилингдин  
Ёмон кўр ул ишин жону дилингдин.

### ЧИН ЭРНИНГ НИШОНИ

Кел эй инсон агар бўлсанг чин эрдек  
Оғирлик пеша қил дунёда ердек.

Агар тепса сани ҳар қайси мавжуд  
Зиён этма тақи еткур анга суд.

Юракинг қилсалар оҳан ила чок  
Чикор олдиға турлук неъмати пок.

Агарчи олама сендин тегар нафъ  
Ўзунгдин қилма туфроғ отини рафъ

Отанг эрдур, санам эрдек қилиқ қил  
Ямонлиғ айлағанга яхшилиқ қил.

Киши тош урса бошга эй хўжаста  
Кулуб боқғил юзига мисли писта.

Бу синдумоқда дилтанг бўлма зинҳор  
Умид улдирки хуш кўргай харидор.

Оёқ остинда қолдим деб демавой  
Бўлур Чин коса кўп тепку еса лой.

Агар душманга дўстлук қиласанг изҳор  
Бошинг ёргон кишиларни десанг ёр.

Ризо мулкида тамкин айлаган нас  
Жафо олмоси тилса қаттиғ олмос.

Демас осий ани халқ урса осиб  
Ва ё меҳнат жиболи ётса босиб.

Жаҳолат ахли қилмас гина таркин  
Қачон дар кин бўлур гар қиласа даркин.

Агар бози еса минг зарбаи яд  
Дуони ҳаргиз анга қилмагай бад.

Заарга рози бўлмас ҳаргиз акмал  
Ҳикоят бирла тавфиқин тилар бал.

Сўнар кийн гардидин ҳолат жамоли,  
Кетар гардин керак гар дин камоли.

УҲУД ТОҒИНДА ҲАЗРАТ ПАЙҒАМБАР  
АЛАИҲИССАЛОМНИНГ МУБОРАҚ  
ТИШЛАРИ ШАҲИД БЎЛҒОНИ

Уҳуд тоғида пайғамбар тишини  
Шаҳид этди яна етмиш кишини.

Ажаб кун тушти мўъминлар бошиға  
Умар келди паямбарнинг қошиға.

Деди йиглаб аё султони аброр  
Дуо қилғил қирилсин барча куффор.

Ва лекин қилмади ул дуои бад  
Ҳидоятга дуо қилди Мұхаммад.

Үшал рўзики анбух эрди куффор,  
Абу Суфёну Холид эрди солор.

Ижобат бўлди пайғамбар дуоси  
Мусулмон бўлдилар ҳар иккаюси.

Ул икки эр билан кўп аҳли тугён  
Уҳуд коғирлари бўлди мусулмон.

Чу Холид олди динни шаҳдидин баҳр  
Мусулмон бўлдилар илкида минг шаҳр.

Ироқ ила Димашқ ҳам Хўтан, Шом,  
Абу Суфён қўлида тобти ислом.

Мұхаммад олди олам хулқи хушдин,  
Муяссар эътимоди олтун-кумупдин.

Агар сан марди соҳиб, ҳимматлисан  
Росулуллоҳни хос умматисан.

Тутарсан жон ила феъли набини  
Қилурсан ҳар маҳалда пайравини.

## ҲИКОЯТ

Баҳоуддин валҳақ тоби масваҳ  
Авонига йўлуктилар беногоҳ.

Авон бир сўз деди, ул мард бир сўз,  
Авон қўйди ёмонлиғ кўйига юз.

Юзига солди қамчин марди ҳоли,  
Қизил қон бўлди сунбулдек соқоли.

Үшал қонлиғ соқолин олди қўлға  
Деди, ё Раб муни сол яхши йўлға.

Ғазаб қилма, анга қилғил иноят,  
Маҳамма ихрүйи десин қил кифоят.

Бу сўзни эшитиб ул марди бебок  
Уриб наъра яқосин айлади чок.

Юзини ерга суртиб нола қилди  
Кўзини ёшини чун жола қилди.

Олиб ҳиммат асосин кирди йўлға  
Қўлин топшурди ул ҳимматли қулға.

Худо ул бандага қилди иноят  
Неча кун ўтмайин тобти валоят.

Ана хулқу, ана ҳилму, ана ҳол.  
Ана давлат, ана нусрату, иқбол.

Ана ҳиммат, ана хулқу, ана кор,  
Ана табийати султони аброр.

Ёмонларни ишидур гина тутмоқ  
Мусулмонлиғ ёмонлиғни унумтоқ.

Ўзини нафсини ким айлаган қул  
Қилур ҳар кун хифо кўрса таҳаммул.

Ва лекин бу таҳаммул айлаган нос  
Ҳамиятда керак чун қаттиғ олмос.

Ҳамият бобидин ўткармагай мард  
Агар чандики ул иш бўлса бир гард.

Ҳамият қайдидур билсанг беҳ тайин  
Назар айла «Китоби мужтаҳадин».

## ЭШОН СҮФИ ЕРОНЛАРИГА ВАРОЬ ҚИЛҒОНЛАРИ

Биродарларки бизга қилдингиз аҳд  
Олурмиз деб муҳаббат жомидин шаҳд.

Топилмас бандада сиз истаган ҳол  
Очилмас осийдин сиз айғон ашкол.

Талаб килманг бу ноқилдин каромот  
Күшуфоту мақомату аломот.

Била олмам ниҳони тарбиятдин  
Олиб эрдим илик нафсониятдин.

Пушаймонман илик олғонларима  
Тамаъ нонига қўл солғонларима.

Боринг эмди ёронлар ҳар қаёна  
Юринглар бир мукаммал эр томона.

Қуруқ қўл олганимдиндур изоман  
Азизи истангиз сиздин ризоман.

Мани деб қолмангиз ўз корингиздан  
Үётлиғман сизинг рухсорингиздин.

Бухл айланг келиб-кетганингизга  
Елиб-югуриб умид этганингизга.

Кечурмас бўлсангиз сиз мандин эй қавм  
Мани ҳолимга мушкилдур сабо явм.

Тониб мандин ёниб авроъ кишини  
Тутунг маҳкам ани қутлуғ ишини.

Керак муршид деган монанди уммон  
Муборак ботикини пур дурри маржон.

Жаҳолат даштидин ким келса сувсоб  
Анинг зоҳир сувидин бўлса сероб.

Агар бўлса кишиким толиби дур  
Чўмуб ботинга жайбин айласа пур.

Деманг топилмагай бу нашъалик кас  
Жаҳон айвони кенгдур ҳоли эрмас.

Топилганда мунингдек лужжай хос  
Қани ихлоси кўп ҳимматли ғаввос.

Чўмуб олгай илгига дурру мақсад  
Вагарна қўл солиб қочмоқ нечук суд.

Агар сиз тоңсангиз бир яхши шаҳни  
Хабардор айлангиз ман рўсияҳни.

Қилай ман ҳам юзин кўзум зиёси  
Қадам тўфрогини кўз тўтиёси.

На бўлғай сиз биродарлар пайи дин,  
Манга ҳам берсалар ваҳдат майдин.

### ЭШОН СЎФИ ФАРЗАНДЛАРИҒА НАСИҲАТ ҚИЛҒОНЛАРИ

Таваллом улдур эй фарзона фарзанд  
Нигаҳдоринг сани бўлсун худованд.

Кўзумни равшани Сиддиқ Муҳаммад  
Ироғ бўлсун кўзунгдин дийдаи бад.

Эшит ман хастадин бир неча қавли  
Йигитликка сани еткурса мавли.

Емон юрма, ёмон андиша қилма  
Отангдек рўсиёлик пеша қилма.

Яратқон Тангрига килғил таваккул  
Гамаъ қилима кишидин биргина пул.

Тамаъ бир парча бўлса қилмагил рой  
Бўлурмиз пардада юз парда бежой.

Юзингдин парда кам-кам тушмасин бас  
Ҳаёдин ори юзинг ори бўлмас.

Тамаъ бирлан семурган нафси ғаммоз  
Агар оғзин тилар бўлсанг тилар боз.

Ниқоби шарм очилмасдин бурунрот  
Ани берк айла ҳар ёқдин тақиб боғ.

Қаноат қил, маломат мулки бўлма  
Отангдек халқ элига кулгу бўлма.

Паямбарлар фаолидур қаноат  
Анга вобастадур мажмуъи тоат.

Белингни боғла маҳкам бўлма мафлуж  
Кўзунг оч карвоне қилдилар кўч.

Белингни боғла маҳкам бандаликга  
Отангдек қўйма юз шармандаликга.

Кичикликдин ибодатга бўйин қўй  
Киёматни ўйин қилсанг ўйин қўй.

Шарорат аҳлини пайванди бўлма,  
Ҳаво бирла ҳавасни банди бўлма.

Ажаб хушдур кичикликда бўлуб соғ  
Бу кулмакни қўйиб ғамдин букулмог.

Шабоби тўкса ҳар шаб кўздин оби,  
Анинг ойнин дегил раҳмат саҳоби.

Риё гардини юқтирма этакка  
Отангдек бўлма тобиъ нафси сакка.

Тавозуъдин кўтарма юқори бош  
Такаббур қилмагил чун тухми ҳашхони.

Күнгилни манзилин қил гүшай факт  
Киёмат зоди қилғил түшай ҳақр.

Жаҳонни хирсидин қилғил ўзинг дур  
Отангдек бўлмагил дунёга мағур.

Умид этган кўзумни нури болам  
Отангдек бўлмагил расвои олам.

Агар чандики бўлсанг қўл қанотлиғ  
Худо даргоҳида бўл мискин отлиғ.

Уруғлиғман дема тонгла улув бор  
Ҳисобу, номау вазни сўруғ бор.

Ўзунгни айла кам, бўлғон сари кўп  
Неча ман кўп деганлар бўлди манкуб.

Бўлиб хешу таборинг бирла мағур  
Дема ман зўр агар дин бўлса манзур.

Бу дунёдин агар ўтсанг қуруғ лаб  
Кўнгилга олма ҳаргиз ёди мансаб.

Ўтар дунёда ҳар ким бўлса динлик  
Бўлур мансабдин ортуқ ҳуша чинлик.

Ажаб офат эрур жоҳу зарофат  
Шарри офатни била кўрма шарофат.

Билиб дунё мақомин гайри маъмур  
Бўлур зийрак ва зирак отидиндуру.

Кўтарсанг бошқа ортуғ бўлманг ортуқ  
Бўлур маълум сабо урса мулк буғ.

Худодин ҳар не келса айлагил сабр,  
Отангдек қилмагил ўзунга жабр.

Худонинг амрига қилғил итоат  
Зиёд эт тоатинг соат басоат.

Мұхаббат футасини боғла белга  
Отангдек умрингни ўткарма елга.

Хавас дунёда қилма мұхтарамлиқ  
Вале бүл ҳолинга лойик карамлик.

Агар уч кунда топсанг парчай нон  
Ема ёлғуз ани ярмин қил эхсон.

Кетарни билса ҳар ким жойи тангга  
Емас танга ғамин бу нафси лангга.

Жаҳон меҳрин күнгилдин айла зойил  
Отангдек бұлмагил дунёга мойил.

Ишингни айлагил кун-кундин ақво  
Худони суйганидур ақли тақво.

Агар тақво ишин қилсанг бо ихлос  
Дегай шояд сани Ҳақ бандай хос.

Агар бұлсун десанг жону дилинг жамъ  
Вараъ ойин бұлуб илм ойин эт жамъ.

Агар илму амал бир бұлса ранги  
Ҳар ойина кетар ойина жанги.

Агар тобсанг худо даргоҳида қурб  
Мұхаббат косасидин берсалар шурб.

Саҳарлар күп күтар дастинг duога  
Тила мунглуғ ота бирла онаға.

## СҮЗНИ КҮТОХ ҚИЛИБ КИТОВНИ ХАТМ ҚИЛМОҚЛАРИ

Кел Оллоёр сўз кўтоҳ қилғил,  
Белингни боғла азми роҳ қилғил.

Қора сангдур сани аслинг қарасанг,  
Берибдурсан риё қони била ранг.

Үлум түфлони бу сирни қилиб фош  
Дегай ич бўлмаса суд айламас тош.

Қариб жисминг қарийб бўлди ҳавасга  
Нечук шармандалик сан тусли касга.

Оқарди соч надомат ашкини соч,  
Еқанг ушлаб даҳани маъзурат оч.

Елинг оқи асар қилмади хола  
У ёла қўр боқиб ҳар дам ўёла.

Ҳавас бирла тузук иш қилмадинг ҳеч,  
Бўлубдур кеч ҳавас бозоридин кеч.

Санга айди ўшал марди кўҳнсол  
Агар қол аҳлида топилмаса ҳол.

Амал ким айлагай ўз қоли бирлан  
Қолур иззату ҳурмат оли бирлан.

Бўлур ортуқ ҳавас бирлан ҳавоси  
Удур ҳол ушбу иллатни давоси.

Қалам қилдинг қаро кўнгилни қил оқ  
Ўшал эрнинг сўзин ҳалқа қилиб тоқ.

Қаро қон йиғладим, тутдим қаламни,  
Туну кун эшитиб мандин аламни.

Ўзунг қилмай ҳавас бозорини тай  
Кишиға сўзламак то чанди то хай.

Агар бўлса кўнгилнинг ихтиёри  
На бўлгай қолса мандин ёдгори.

Битибман форси тилда бир китоби  
Тамом анда масойилнинг жавоби.

Ҳама фатвову тақвонинг баёни  
Ўн икки мингдин ортуқ байти они.

Дединг «Шайун қалил»ни турки тилдин  
Кеч эмди албатта бу қолу қилдин.

Агарчи яхши сўз қанду шакардур  
Хатосидин vale хавфу хатардур.

Хатоси бўлмағай айғон сўзунгни  
Тазарруъ ҳокиға сургил юзингни.

Худоға зори қилғил эртаю шом  
Ишингни пухта қилғил қолмагай хом.

Хижоби мағфират ёпқай хатоға.  
Сазовор айлагай турлук атоға.

### РУБОЙИОТИ ТУРКИ БО ТАРИҚИ МУНОЖОТ

Холиқо қойилман ўз нуқсонима  
Кўп жафо қилдим ўзимни жонима.

Зоти покингдин иноят бўлмаса  
Хеч ишончим йўқ амал қилғонима.

Холиқо, қилдим фаоли кандани  
Қилмагил расво мане шармандани.

Сан агар раҳмат никобин ёпмасанг  
Айби кўп, нуқсони кўпдур бандани.

Холиқо, тўқтум ибодат тосини  
Сан тузарсан бандани кам-косини.

Қулларинг булғанса исён лойига  
Оқизурсан мағфират дарёсини.

Холиқо, қилдим гуноҳи беҳисоб  
Тонгла сан сўрсанг на бергайман жавоб.

Ман очарман журми исён чеҳрасин  
Сан ёпарсан афу раҳматдин ҳижоб.

Холиқо, қилдим гуноҳи беадад  
Жон берур ҳолатда сан бергил мадад.

Нафси шайтон илгидин қутқармасанг  
Бўлди мушкил ҳолимизга ё Аҳад.

Холиқо, ё аввало, ё ахиро  
Нафси шайтон жонима бўлди бало.

Гарчи Оллоёр ўтарчибур ёмон  
Қўймагил душман қўлиға мубтало.

Холиқо, тутдум фарогат хобини  
Истадим доим жаҳон асбобини.

Гарчи Оллоёр эрур ғарқи гуноҳ  
Оч анга ўлганда раҳмат бобини.

Холиқо, умр айладим фони билан  
Энди банданг зор этар жони билан.

Гарчи Оллоёр эрур зору забун  
Жонини ол нури иймони билан.

Холиқо, по ишларим бош айлагил  
Хирмани тоат манга чош айлагил.

Мунда тавфиқим чироғин қўлға бер  
Анда иймонимни йўлдош айлагил.

Холиқо, афу айла ўтган ёшима  
Яхши қулларни ато қил қошима.

Гўр ичинда келса икки сўрғувчи  
Андасан раҳм айла ёлғуз бошима.

Холиқо, күнглумда дунёйи дуни  
Ман эрурман бандаларни озгуни.

Гарчи банданг мунда бўлса рўсиё  
Юзларин оқ айлағил маҳшар куни.

Холиқо. ҳайф ўтди моҳу солимиз  
Бўлмади ноғиъ аёлу молимиз.

Сан ҳисобимизни осон этмасанг  
Рўзи маҳшарда на кечгай ҳолимиз.

Холиқо, ёрлақа халқи омани  
Ўртада мендек маосий хомани.

Ҳашрда ҳар кимға келса бир битик  
Анда бергил ўнг қўлумға номани.

Холиқо, кам изладим кўйи амал  
Яхшилардек юрмадим сўйи амал.

Сан қарам бирла қиёмат даштида  
Айлағил оғир тарозуи амал.

Холиқо, дийдамға ашки жори бер  
Кўнглума доим муҳаббат ёри бер.

Оби кавсадрин мани сероб этиб  
Хам яна кўпрук ўтарда ёри бер.

Холиқо, лутф айла жаннатун-наим  
Қилмағил ҳаргиз гирифтори жаҳим.

Ман гунаҳлик қул эрурман, сан ғафур,  
Ман католик бандадурман, сан карим.

Холиқо, туз айлагай санроҳимиз  
Мустажоб этгил дуову оҳимиз.

Тонгла ҳайрон бүлса халқ ўз ҳолига  
Мустафони қил шафоатхөмиз.

Холиқо, лутф эт гадойи зотинга  
Бандадурман, розиман ҳар коринга.

Магфират дарёсига ғарқоб этиб  
Күзларим шойиста қил дийдоринга.

## МУНДАРИЖА

- Бисмиллаҳир роҳманир роҳим 3  
Дар баёни наъти росулуллоҳ 6  
Дар баёни сабаби таълиф 7  
Дар баёни маърифати Аллоҳи таоло 8  
Дар баёни тавҳид вожиби таоло 8  
Дар баёни сифоти вожиби таоло 9  
Иймоннинг баёни 13  
Фаришталарнинг баёни 15  
Дар баёни иймони пайгамбарон 16  
Дар баёни тасдиқи меъроҷ 18  
Дар баёни алқоби чаҳорёр 18  
Шарти имоматни баёни 20  
Дар баёни каромати авлиё 21  
Ҳикоят 24  
Азоби қабрнинг баёни 25  
Дар баёни муножот 27  
Қиёмат ҳақ турур 28  
Тарозуий қиёматни баёни 29  
Дар баёни пулсирот 30  
Муножот 31  
Дар баёни шафоати анбиё ва авлиё 32  
Биҳишт ва дўзах баёни 34  
Муножот 35  
Дар баёни ажзу шикастайи мусанниф роҳматуллоҳ 37  
Мусаннифи алайҳи роҳманинг васиятлари 42  
Толиб улдирки пири комил топиб қўл берса 44  
Шароби муҳаббатни пири комилдин 48  
Солик қазога рози, балога собир 48  
Толиб улдурки жаҳон савдосидин мосуво бўлса 50  
Ҳикояти биби Робиҳа алайҳа роҳма 53

- Мавзиза* 54  
Ҳикояти Ҳужжож 57  
Тамаддин қочмоқни баёни 57  
Ҳикояти Савбон 60  
Мұхаббатсиз кишидан қочмоқни баёни 60  
Ҳикояти дөв алаіхү лағна 62  
Дүнёдин тажарруд ҳақинда 62  
Ҳикоят 65  
Ҳикоят 68  
Шайхи комил истамакни баёни 68  
Ҳикояти шайх имом Басрий 71  
*Мавзиза* 72  
Ҳикояти бадбахтон 73  
Такаббурлик олимнинг баёни 74  
Ҳикояти азизе 77  
Таваккул баёни 77  
Ҳикояти Абдуллоҳ ибн Муборак 79  
Дарвишлик баёни 81  
Ҳикоят 82  
Зоҳид сучук тиллик бўлмоқни баёни 85  
Ҳикояти ҳазрати Луқмон 87  
Икки мўъмин бир-бирига хайр қилмоқини баёни 87  
Кўзни харомдин юммоқни баёни 89  
Ҳикояти шайх Бастоми 92  
Худони неъматларига фикр айламоқни баёни 93  
Бандаи мўъмин ишқда ҳарис бўлмоқни баёни 94  
Умрнинг фонилигини баёни 96  
Нафси шумни баёни 98  
Банда аҳдда турмоқни баёни 101  
Ҳикоят 102  
*Мавзиза* 102  
Ҳикояти ҳазрат росул акром соллалоҳу алаіхү васаллам 103  
Худони раҳматидин умидвор бўлмоқ баёни 104  
Ҳикоят 105  
Ҳикоят 106  
Мўъмин керакким ҳеч мўъминни ҳақир кўрмаса 107

- Хиёнатдин йироқ бұлмоқни баёни* 109  
*Чин әрнинг нишони* 111  
*Ухуд төғинда ҳазрат пайғамбар алайҳиссалом-*  
нинг муборак тишилари шаҳид бўлғони 112  
*Ҳикоят* 113  
*Эшон сўғи ёронларига видоъ қилғонлари* 115  
*Эшон сўғи фарзандларига насиҳат қилғонла-*  
ри 116  
*Сўзни кўтоҳ қилиб китобни хатм қилмоқла-*  
ри 119  
*Рубоййоти турки бо тарикни муножжот* 120

*Для среднего школьного возраста*

**СУФИ ОЛЛОЕР**

**УСТОЙЧИВОСТЬ СЛАБЫХ**

*Манзума*

*На узбекском языке*

Рассом Н. Фуломов

Расмлар муҳаррири О. Муинов

Техник муҳаррир Е. Толочко

Мусаҳҳих Ш. Соатова

ИБ № 0416

Босмахонага берилди 07.08.90. Босишига рухсат этилди. 31.01.91.  
Бичими 60×90<sup>1</sup>/16. Мактаб гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма листи. 8.0. Шартли кр.оттиск. 8,25. Нашр листи 4,84. Шарт-  
нома № 44—90. Буюртма № 4127.300,000 нусхада. Баҳоси 2 с.

«Чулпон» нашриёти, Тошкент — 700083. «Правда» газетаси кучаси, 41.

Ўзбекистон ССР Матбуот Давлат комитети. Тошкент «Матбуот»  
полиграфия ишлаб чиқариши бирлашмаси.

Ўз

049

**Оллоёр, Суфи.**

Ожизлар саботи: Манзума: Ўрта ёшдаги мак-  
таб болалари учун.— Т.: Чўлпон, 1991.— 128 б.

Оллоёр, Суфи. Устойчивость слабых: Стихи —  
проза: Для детей среднего школьного возраста.

Ўз2